

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Psi.01.07
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

РАСУЛОВА ЗИЁДАХОН АБДУБОРИЕВНА

**ЎЗБЕКЛАРДА ОИЛА-НИКОҲ АНЪАНАЛАРИНИНГ
ИЖТИМОЙ ВА ЭТНИК ПСИХОЛОГИЯСИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

**Психология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора (DSc) психологических наук**

**Contents of dissertation abstract of
Doctor (DSc) of Psychological Sciences**

Расулова Зиёдахон Абдубориевна Ўзбекларда оила-никоҳ анъаналарининг ижтимоий ва этник психологияси.....	3
Расулова Зиёдахон Абдубориевна Социальная и этническая психология семейно-брачных традиций у узбеков.....	33
Rasulova Ziyodakhon Abduboriyevna Social and ethnic psychology of marriage-and-family traditions of Uzbeks...	63
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	67

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Psi.01.07
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

РАСУЛОВА ЗИЁДАХОН АБДУБОРИЕВНА

**ЎЗБЕКЛАРДА ОИЛА-НИКОҲ АНЪАНАЛАРИНИНГ
ИЖТИМОЙ ВА ЭТНИК ПСИХОЛОГИЯСИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Психология фанлари доктори (Dsc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2DSc/Psi14 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (ik.falsafa@nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Шоумаров Ғайрат Баҳромович**
психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Каримова Васи́ла Маманосировна**
психология фанлари доктори, профессор
Назаров Қиёмиддин Нормирзаевич
фалсафа фанлари доктори, профессор
Маҳмудова Муяссар Маҳмудовна
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Қарши давлат университети (Ўзбекистон)**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Psi.01.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» «_____» соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ Бош ўқув биноси «В» қисм, 2-қават, 217-хона. Тел.: (99871) 246-52-74).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Э.Ғ. Ғозиев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, психол.ф.д., профессор

А.И. Расулов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, психол.ф.н., доцент

Н.С. Сафаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, психол.ф.д.

КИРИШ (докторлик (Dsc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон халқлари ҳаётида муҳим ўрин тутувчи кадриятлар, ахлоқ-қоидалари ва анъаналар тизимида бўлаётган ўзгаришлар оила ва никоҳ муаммоси, оила-никоҳ кадриятларига бўлган эътиборни кучайтирмоқда. Зеро, бундай ўзгаришлар оила институтига ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда. Бу қатор етакчи ривожланган давлатларда никоҳсиз туғилганлар, ажралишлар, нотўлиқ оилалар сонининг ортиб боришида намён бўлмоқда, масалан, Францияда никоҳсиз туғилганлар 55%, ажралишлар 55%, нотўлиқ оилалар 23%, Буюк Британияда тегишли равишда 47%, 46%, 28%, АҚШда 39,8%, 46%, 27%¹. Шундай экан, оила-никоҳ анъаналарини комплекс ўрганиш, уларнинг ҳали яхши ўрганилмаган ижтимоий ва этнопсихологик жиҳатларини илмий тадқиқ этиш жиддий аҳамият касб этади.

Жаҳон миқёсида оила-никоҳ анъаналари ва кадриятларига нисбатан оқилона муносабатда бўлиш устувор вазифа бўлиб қолмоқда. Мазкур вазифани бажаришга ёрдам беришга йўналтирилган замонавий тадқиқотларда оила-никоҳ анъаналарини сақлаш ва кадрлаш, уларни оилани мустаҳкамловчи омил сифатида қўллаш билан боғлиқ муаммолар тадқиқ этилмоқда. Шунга қарамасдан, оила-никоҳ анъаналарининг ижтимоий, ҳудудий, этнопсихологик хусусиятларини ўрганиш ва психологик тавсифномасини ишлаб чиқиш масалалари ҳануз долзарблигача қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси энг янги тарихида «ёшлар ва аҳоли ўртасида мамлакатимизнинг бой тарихини, унинг бетакрор маданияти ва миллий кадриятларини кенг тарғиб қилиш»² долзарб вазифалар қаторида қайд этилган. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, жамият ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришлар ҳар бир шахс, ота-она, маҳаллаларнинг анъаналарга нисбатан янгича ёндашувини тақозо этади. Бунда оила-никоҳ анъаналарининг моҳияти ва мазмунини, генезисини ўрганиш, инсонларга психологик таъсирини тадқиқ этиш оила-никоҳ анъаналарининг туб асослари ҳақидаги илмий қарашларни бойитиш ҳамда оилани ҳозирги кунда мустаҳкамлаш ва унинг жамият олдидаги ролини оширишга ёрдам беради, ёшларни соғлом оила қуриш ва миллий анъаналарга ҳурмат руҳида тарбиялаш имконини беради. Айниқса, Тошкентда урф-одатларнинг кўпчилик қисми ўзининг асл мазмун-моҳиятини йўқотиб, исрофгарчилик ва дабдаба-бозликка айланиб қолаётганлиги оила-никоҳ анъаналарининг оила жамғармасига салбий таъсирини ўрганиш ва ортиқча сарф-харажатларни

¹ Divorce demography // https://en.wikipedia.org/wiki/Divorce_demography; EU countries with the highest share of births out of marriage 2009 to 2011 // <https://www.statista.com/statistics/276802/births-out-of-wedlock-in-the-eu>; Unmarried Childbearing // <https://www.cdc.gov/nchs/fastats/unmarried-childbearing.htm>; Single parents worldwide: Statistics and trends // <https://spacedoutscientist.com/2017/07/18/single-parents-worldwide-statistics-and-trends>

² Мирзиёев Ш.М. Танкидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак // Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 47.

баргараф этиш йўллари излаб топиш долзарб аҳамият касб этишини кўрсатмоқда.

Мазкур диссертация иши 2012 йил 27 февралда қабул қилинган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-1717-сон қарор ва 2013 йил 14 февралда қабул қилинган «Обод турмуш йили» Давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-1920-сонли қарор, 2018 йил 2 февралда Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан қабул қилинган «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5325-сон Фармон ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда оила-никоҳ анъаналари, оилани мустаҳкамлашга доир белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Оила ва никоҳга оид ўзбек анъаналари тадқиқи масаласига доир илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Иллинойс университети, Вайоминг университети (АҚШ), Амалий олий мактаб тадқиқотлари, Марказий Осиёни тадқиқ қилиш Франция институти (Франция), Чубу университети (Япония), Ага Хан университети (Покистон), РФА Этнология ва антропология институти, РФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти (Россия) томонидан олиб борилмоқда.

Жаҳонда ўзбек анъаналари ва уларнинг жамиятда тутган ўрнига оид олиб борилган тадқиқотларда қуйидагилар ёритилган: ўзбек оила-никоҳ анъаналарининг маросим ва урф-одатларининг амалий аҳамияти ва рамзий жиҳатлари илмий асосланганлиги (École Pratique des Hautes Études, Institut français d'études sur l'Asie centrale, The Aga Khan University); Собик иттифок тузуми даврида атеистик мафкура олиб борилишига қарамадан ўзбекларда анъанавий оила-никоҳ муносабатлари сақланиб қолганлиги илмий асосланганлиги (Chubu University); глобаллашув жараёнининг оила мустаҳкамлигига кўп жиҳатдан салбий таъсири ва бу жараёнда ўзбек оилавий анъаналарининг ўзига хос ижобий роли аниқланган (University of Wyoming, Институт философии и права СО РАН); анъананинг турли замонавий социумдаги ўрни (Институт этнологии и антропологии РАН).

Ўзбек анъаналарини ўрганишда дунёда олиб борилаётган тадқиқотларнинг устувор йўналишлари қуйидаги мавзулар билан боғлиқ: анъаналар ва уларнинг бугунги кунда оила ҳаётидаги ижобий ўрни; ўзбек маҳаллалари ва ундаги жамоавийлик муносабатлари; афсона ва диний маросимлар бардавомлиги; қариндошлар ўртасидаги никоҳлар муаммоси; оилага миграциянинг

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://www.ephe.fr>; <https://ifeac.hypotheses.org>; <https://www.aku.edu>; <https://www3.chubu.ac.jp>; <http://www.uwyo.edu>; <https://cyberleninka.ru>; <http://tradition.iea.ras.ru> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

таъсири; Марказий Осиё аёллари истаклари ва реал ҳаёт; диний маросимларнинг психологик хусусиятлари.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек оила ва никоҳ анъаналари рус олимлари томонидан XIX асрнинг иккинчи ярмидан ўрганила бошланган. Бу даврда яратилган адабиётлардан А.Гребенкин (1871), П.Маев (1876), А.Диваев (1885), В.Наливкин ва М.Наливкиналар (1886), Н.Остроумов (1895), А.Шишов (1904), Н.Корженевский (1908), М.Гаврилов (1911), Н.Лыкошин (1916) ишларини алоҳида қайд қилмоқ лозим. Ўз навбатида, М.Беҳбудий (1999) ва А.Фитрат (2000) каби жадидчилик ҳаракати намояндalари оила-никоҳ анъаналарига катта эътибор беришган.

Этнография ва этнология соҳаси олимларидан О.Сухарева ва М.Бикжанова (1955, 1959), Н.Лобачёва (1960, 1975, 1989, 1990, 1999), К.Шониёзов (1964, 1974), Н.Кисляков (1967, 1969), А.Моногарова (1969), Г.Снесарев (1969), Ф.Орипов (1978, 1987), Т.Тошбоева ва М.Савуров (1989) ишларида оила-никоҳ масалалари махсус ўрганила бошланди, маросимларнинг анъанавий шакллари кўрсатиб берилди. Ҳ.Исмоилов (1992), И.Жабборов (1994, 2008), О.Бўриев (1995, 2012), З.Арифхонова (2005, 2006), С.Соатова (1999), Г.Тошева (2002) каби олимларнинг тадқиқотлари оила-никоҳ анъаналарининг янгича баҳоланганлиги, бу маросимлар тизимидаги диний эътиқодларнинг ўрнига ҳолисона муносабат билдирилганлиги билан ажралиб туради.

Антропология соҳаси олимларидан S.Panarin (1993), I.Diloram (1993), J.Anderson (1994), H.Fathi (2004), K.Kehl-Bodrogy (2006) ишларида ислом ва исломий анъаналар, M.Tolmacheva (1993), D.Kandiyoti (1998, 2004), B.-M.Petric (2000), A.Ruffer (2002), J.McBrien (2006), M.Kamp (2006, 2007) тадқиқотларида ўзбек анъаналари, урф-одатлари ва маросимлари, оилавий-маиший турмуши ўрганилган.

Психолог олимлардан А.Олисаева (1999), И.Дворникова (2004), Н.Лидовская (2009), С.Жолудева (2009) илмий тадқиқотларида оила мустаҳкамлигида маросимларнинг роли, оилага анъананинг таъсири кўрсатилган.

Миллий психологик қиёфанинг ўзгаришига анъаналар, қадриятлар, урф-одатларнинг таъсири М.Воҳидов (1968), уларнинг ўзаро фарқи, этнопсихологик хусусиятлари М.Маматов (1985), Э.Ғозиевлар (2013) томонидан ўрганилган. Оила-никоҳ муносабатлари, ёшларни оилавий турмушга тайёрлаш, ўзбек оилаларидаги миллий ўзига хослик, ундаги низолар ва уларни келтириб чиқарувчи ижтимоий-психологик сабаблар, миллий қадрият ва анъаналар, қариндошлар орасидаги никоҳлар, турли ижтимоий гуруҳ вакиллари тасаввурларидаги гендер тафовутлар Ғ.Шоумаров (1994, 2009, 2016), В.Каримова (1994, 2004, 2008, 2010), Н.Соғинов (1990), Х.Каримов (1994), М.Исақова (1999), Н.Салаева (2002), У.Қодиров (2003), М.Умарова (2004), О.Абдусатторова (2007), Р.Хикматуллаева (2009), Р.Абдуллаева (2010), Г.Ниёзметова (2010), И.Гафаровалар (2011), тожик, қорақалпоқ, қирғиз ва қозоқ оилаларининг этнопсихологик хусусиятлари Р.Самаров (1997), М.Утепбергенов (1999), Р.Душанов (2006) ва Т.Норимбетов (2008) ишларида ўрганилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қолаверса, Ўзбекистонда оилани ўрганиш борасида кенг кўламдаги тадқиқот ишларининг йўлга қўйилаётганлигига қарамай, оила-никоҳ муносабатларининг анъанавий жиҳатлари, анъаналари ижтимоий ва этнопсихология муаммоси сифатида алоҳида ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Тошкент давлат педагогика университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-3-030 «Ўзбек менталлигининг ўзига хос хусусиятлари» (2009 – 2011 йй.), Республика «Оила» илмий-амалий марказининг ИТД-1 «Энциклопедик адабиётларга қўйиладиган талаблар асосида оила муаммоларига доир психологик тушунчаларни тизимлаштириш» (2014 – 2015 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбекларда оила-никоҳ анъаналарининг ижтимоий ва этник психологиясини ўрганиш асосида замонавий ўзбек оила-никоҳ анъаналарининг психологик муаммоларини ечиш имкониятларини ошириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбекларда оила-никоҳ анъаналарини идрок этишнинг этнопсихоллингвистик хусусиятларини аниқлаш;

никоҳ шакллариининг ижтимоий-иқтисодий, этнопсихологик хусусиятларига аниқлик киритиш;

никоҳ олди омиллари (никоҳга етуклик, никоҳ ёши, никоҳ мотивлари)нинг этнопсихологик хусусиятларини тавсифлаш;

умр йўлдошини танлашда муҳим мезон, омил ва тамойилларнинг ўзига хос этнопсихологик хусусиятларини психологик талқин этиш;

никоҳ урф-одатлари мажмуини психологик жиҳатдан талқин қилиш ва уларнинг никоҳгача ҳамда оила-никоҳ муносабатларига кўрсатаётган таъсирини очиб бериш;

никоҳ тўйи маросимларининг этнопсихологик асосларини психологик тавсифлаш;

никоҳ тўйи анъаналарининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатларини очиб бериш;

оила институтини мустаҳкамлашга қаратилган психологик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган аёл ва эркаклар, эр-хотинлар, бир неча авлоди туб тошкентлик бўлган ўзбеклар амал қиладиган анъана, урф-одат ва маросимлар танлаб олинди. Тадқиқот Тошкент шаҳри 10 та туманининг 55 та маҳалласида 355 нафар оилада, шунингдек, таққослаш мақсадида Ўзбекистоннинг барча вилоятида 454 нафар оилада ўтказилди. Тадқиқотда жами 1618 нафар киши қатнашди.

Тадқиқотнинг предмети ўзбек оилаларида оила-никоҳ анъаналарининг ижтимоий ва этнопсихологик хусусиятлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишда қуйидаги методлардан фойдаланилди: *типологик*; ҳар бир масалага объектив баҳо бериш нуқтаи назари заминида *қийёсий* ва *комплекс таҳлил* этиш; *даврлаштириш* усули; *кузатув* методи – ташқи, ички; *бевосита сўров* – оғзаки сўров, суҳбат ва стандартлаштирилган

сўров – мазкур тадқиқот учун махсус ишлаб чиқилган ижтимоий-психологик, этнографик сўровнома (ИПЭС); *билвосита сўров* – ёзма сўров – мазкур тадқиқот учун махсус ишлаб чиқилган ярим очик ижтимоий-психологик сўровнома (ИПС); «*Маданият – қадриятлар йўналганлигини аниқлаш*» тести (Дж.Таусенд тести, Л.Г.Почебут варианты); мазкур тадқиқот учун махсус ишлаб чиқилган «*Оила-никоҳ масалалари*»га оид ассоциатив методика; *экспедиция*; *ёзма манбаларни ўрганиш*; *таржимаи ҳол*; *генетик-тарихий* методлар; математик статистика усулларидан: *контент-таҳлил*; *кластер таҳлил*; *факторли таҳлил*; *корреляцион таҳлил*.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

оила-никоҳ анъаналарини илмий-психологик ўрганишнинг асосий йўналишлари (психологик антропология, қиёсий-маданий психология, дин психологияси, этнопсихология, этносоциология)га хос ёндашувларни ўзбек миллий-маданий муҳитида татбиқ этишнинг интегратив (коннектив, функционал, регулятив) имкониятлари кўрсатиб берилган;

ўзбекларнинг оила-никоҳга муносабати ва тасаввурларини оператив аниқлашга мўлжалланган оптимал мураккаблик ва психологик адекватликка эга методика («Оила-никоҳ масалалари») ишлаб чиқилган;

ўзбек оилаларида оила-никоҳ анъаналарининг ижтимоий-иқтисодий оптималлаштириш бўйича психологик иш олиб бориш учун анъаналарнинг асосий функциялари (тарбиявий, фелицитологик, рекреатив, психотерапевтик) ва мезонлари (информатив, ахлоқий қадриятлар, мақсадга мувофиқлик, эркинлик) таклиф этилган;

ўзбекларда оила-никоҳ анъаналари бўйича оилалар билан психологик маслаҳат ва маърифат ишларини олиб боришда диний эътиқод, социал конформизм ва социал перцепция феноменлари таъсирчан этномаданий омиллар эканлиги аниқланган;

оила-никоҳ анъаналарига салбий таъсир кўрсатувчи дабдабабозлик, исрофгарчилик каби омилларни бартараф этиш ва никоҳ тўйи анъаналарини ихчамлаштиришда тежамкорлик, тўйни ташкил этишга мантиқий ва амалий фойдалилик муносабатларини шакллантириш, оила-никоҳ анъаналарида социал-психологик тарғибот ҳамда оила-никоҳ муносабатларини такомиллаштиришда совчилик хизматини ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

оила-никоҳ муаммоларини ўрганиш бўйича янги психодиагностик методикаси ижтимоий ва этнопсихологик тадқиқотлар ҳамда психологик хизмат амалиётига жорий қилинган;

ўзбекларда никоҳ шаклларининг ижтимоий-иқтисодий, психологик хусусиятлари очиб берилиб, шу асосда никоҳ шаклларининг янги классификацияси (анъанавий, диний, қонуний, фуқаролик) яратилган;

ўзбекларнинг оила-никоҳ анъаналарини ўрганиш бўйича махсус ижтимоий-психологик ва этнопсихологик сўровномалар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда оила-никоҳ муносабатлари бўйича олиб борилаётган тарғибот ишларида ва ижтимоий-амалий фаолиятда фойдаланиш учун амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

турли ҳудудлардаги этномаданий хусусиятларнинг оила-никоҳ муносабатлари ва анъаналари тадрижга қандай таъсир ўтказиши имконияти илмий асосда изоҳлаб берилган;

Тошкент шаҳри оила-никоҳ анъаналарининг ижтимоий ва этнопсихологик тавсифномаси яратилган;

умр йўлдошини танлаш мезонлари ва омилларига таъсир ўтказувчи этнопсихологик ҳамда гендер хусусиятлар психологик жиҳатдан талқин қилинган, тегишли тавсиялар тақдим этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг адекват ва мукамаллиги, репрезентативлиги, ишончли ва самарадор замонавий математик-статистика усулларида фойдаланилганлиги ҳамда эмпирик натижаларнинг мақсадга мувофиқ таҳлил ва талқин этилгани билан асосланади. Натижалар «MS Excel», «SPSS 15» дастурлари воситасида қайта ишланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишда олинган илмий натижалардан этнопсихология, ижтимоий психология, дин психологияси, психолингвистика, оила психологияси ва бошқа оила-никоҳ масалаларини ўрганувчи фан соҳаларига оид мавжуд назарий билимларни янада бойитишда, уларнинг дастурларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлигидадир. Замонавий оила-никоҳ анъаналарини чуқур ўрганиш улар анъанавий моделининг туб асослари ҳақидаги этнопсихологик қарашларни бойитиш имконини беради. Тадқиқот натижалари, умумий хулоса ва тавсиялардан жамоат ва давлат ташкилотлари, хусусан, ФХДЁ ва маҳалла кўмиталари фаолиятида оила институтини мустаҳкамлашда фойдаланиш мумкин.

Амалий аҳамияти шундаки, республика олий ўқув юртларида, академик лицей, касб-хунар коллежлари, айниқса, умумтаълим мактабларида ёшларни оилавий турмушга тайёрлашда, никоҳ-оила муносабатлари заминидан юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этишда, малака ошириш курсларида, амалиётчи психологлар фаолиятида, оилага психологик хизмат кўрсатишда, оилашунос мутахассисларни тайёрлаш курслари учун дарсликлар, илмий-услубий ва ўқув қўлланмалари яратишда назарий манба сифатида, оилага оид ҳуқуқий-меъорий ҳужжатларни такомиллаштиришда, ишонч телефонларида ва маънавият дарсларида кенг фойдаланиш мумкин. Тадқиқот ижроия органларига оила сиёсати бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш ва керакли кўрсатмалар ишлаб чиқиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек оила-никоҳ анъаналарининг ижтимоий ва этнопсихологик жиҳатдан тадқиқ қилиш жараёнида ишлаб чиқилган илмий натижалари асосида:

оила-никоҳ анъаналарини илмий-психологик ўрганишнинг асосий йўналишлари (психологик антропология, қиёсий-маданий психология, дин психологияси, этнопсихолингвистика, этносоциология)га хос ёндашувларни

Ўзбек миллий-маданий муҳитида татбиқ этишнинг интегратив (коннектив, функционал, регулятив) имкониятларини кўрсатиб бериш бўйича янгилик «Этнография, этнология ва антропология» магистратура мутахассислигининг Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишига сингдирилган (O'zStandart Давлат агентлигида 2014 йил 18 сентябрда O'zDSt 36.1410:2014 05-573-сон қайд рақами билан рўйхатга олинган). Натижада таклиф этилган материаллар анъаналарнинг этнопсихологик хусусиятларини, психологик таъсирини, оила-никоҳ анъаналарининг оила мустаҳкамлигида тутган ўрни ва аҳамиятини очиб беришга хизмат қилган;

Ўзбекларнинг оила-никоҳга муносабати ва тасаввурларини оператив аниқлашга мўлжалланган оптимал мураккаблик ва психологик адекватликка эга методикаси («Оила-никоҳ масалалари») ишлаб чиқилганлигига доир янгилик «Ижтимоий фикр» жамоатчилик марказининг фаолиятида фойдаланилган («Ижтимоий фикр» жамоатчилик марказининг 2017 йил 15 февралдаги 01-16/32-сон маълумотномаси). Натижада у оила-никоҳ анъаналарини илмий асосда ўрганишга хизмат қилган;

Ўзбек оилаларида оила-никоҳ анъаналарининг ижтимоий-иқтисодий оптималлаштириш бўйича психологик иш олиб бориш учун анъаналарнинг асосий функциялари (тарбиявий, фелицитологик, рекреатив, психотерапевтик) ва мезонларини (информатив, ахлоқий қадриятлар, мақсадга мувофиқлик, эркинлик) таклиф этишга доир илмий янгилик Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимияти фаолиятида татбиқ қилинган (Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг 2017 йил 25 октябрдаги 02-05/948-сон маълумотномаси, Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамасининг 2017 йил 19 сентябрдаги 07/294-сон маълумотномаси). Натижада оила бюджети ва ёш оила мустаҳкамлигига салбий таъсир этиши мумкин бўлган бир қатор анъаналарнинг ихчамлаштирилишига, оила-никоҳ анъаналари билан боғлиқ харажатларнинг қисқартирилишига эришилган;

Ўзбекларда оила-никоҳ анъаналари бўйича оилалар билан психологик маслаҳат ва маърифат ишларини олиб боришда диний эътиқод, социал конформизм ва социал перцепция феноменлари таъсирчан этномаданий омиллар эканлиги тўғрисидаги илмий янгилик Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Дунё бўйлаб» телеканали кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган («Дунё бўйлаб» телеканали» давлат унитар корхонасининг 2017 йил 30 июндаги 08-14-296-сон маълумотномаси). Натижада ўзбекларнинг оила-никоҳ анъаналарининг мазмун-моҳияти, оила мустаҳкамлигидаги роли ва аҳамияти, анъаналарнинг этнопсихологик хусусиятлари ва психологик таъсири, оилавий тарбия жараёнида миллий қадриятларга кенг эътибор беришга қаратилган маърифий эшиттириш ва кўрсатувларнинг изчил уюштирилиши ота-оналарни маънавий тарбиянинг миллий ва умуминсоний ютуқларининг моҳияти, илғор тажрибалари билан таништириш каби маърифий тадбирларни маънавий ва психологик жиҳатдан бойитишга хизмат қилган.

оила-никоҳ анъаналарига салбий таъсир кўрсатувчи дабдабозлик, исрофгарчилик каби омилларни бартараф этиш ва никоҳ тўйи анъаналарини ихчамлаштиришда тежамкорлик, тўйни ташкил этишга мантиқий ва амалий фойдалилик муносабатларини шакллантириш, оила-никоҳ анъаналарида социал-психологик тарғибот ҳамда оила-никоҳ муносабатларини такомиллаштиришда совчилик хизматини ташкил этишга йўналтирилган ижтимоий-психологик тавсиялар ишлаб чиқилганлиги тўғрисидаги янгилик Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Дунё бўйлаб» телеканалининг кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган («Дунё бўйлаб» телеканали» давлат унитар корхонасининг 2017 йил 30 июндаги 08-14-296-сон маълумотномаси). Натижада ўзбекларнинг оила-никоҳ анъаналарини мазмун-моҳияти, оила мустаҳкамлигидаги роли ва аҳамияти, анъаналарнинг этнопсихологик хусусиятлари ва психологик таъсири, оилавий тарбия жараёнида миллий қадриятларга кенг эътибор беришга қаратилган маърифий эшиттириш ва кўрсатувларнинг изчил уюштирилишини психологик жиҳатдан бойитишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 2 та монография, 1 та энциклопедия, илмий журналларда 17 та мақола (улардан 11 таси Ўзбекистон Республикаси ОАК тавсия этган журналларда, 3 таси хорижий нашрда), халқаро ва республика илмий-амалий конференциялари материаллари таркибида 17 та маъруза тезиси нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 263 бетни ташкил қилади. Диссертацияда 64 та жадвал ва 53 та расм берилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган.

Биринчи боб «**Оила-никоҳ анъаналарининг ижтимоий ва этнопсихология фанларида ўрганилганлик ҳолати ва уни тадқиқ этиш методологияси**»да оила-никоҳ анъаналари муаммоларини ўрганишга бағишланган кўплаб тадқиқотларнинг назарий таҳлили амалга оширилган, тадқиқотнинг методологик асослари ёритиб берилган. Тадқиқотлар давомида турли соҳа вакилларининг оила-никоҳ анъаналари муаммосига ёндашувларини ўрганиш,

анъаналарнинг психологик таъсири, оилада ота-она ва фарзандларнинг тиббий, ҳуқуқий, маънавий, педагогик ҳамда психологик саводхонлигини ошириш орқали уларни оила-никоҳ анъаналарида мавжуд иллатлардан асраш, ўзбек халқининг оила ва никоҳ анъаналарининг илк илдизлари, уларнинг тараққиёт босқичлари, асл моҳияти, шахс таълим-тарбиясига таъсири ва уларнинг тарбиявий аҳамияти ҳақидаги тасаввурларини тўғри шакллантириш бўйича этнопсихологик илмий тадқиқот ишларига эҳтиёж мавжудлиги аниқланди. Таҳлил оила ва никоҳ анъаналарини алоҳида фан соҳасида ўрганишнинг ўзи кифоя қилмаслигини, тадқиқот натижаларини умумлаштиришда қийинчиликлар туғилишини кўрсатди. Бунда самарали иш олиб бориш учун оила-никоҳ анъаналарини бошқа фанлар билан бирга комплекс ўрганмоқ зарур.

Айтиш лозимки, маълум бир миллатнинг оила-никоҳ муаммоларини ўрганишда айнан инсонлар жамоаси ва халқларни ўрганувчи фанларнинг методологиясига таянмоқ зарур. Бунда энг маъқул ёндашув сифатида комплекс методни таклиф қиламиз. Биз ўзбекларнинг оила-никоҳ анъаналарини инсон ва халқ муаммосини ўрганувчи ижтимоий ва этник психология, шунингдек, психологик антропология билан қиёсий-маданий психология, дин психологияси, этнопсихология ҳамда этносоциология фанларининг ёндашувини синтез қилган ҳолда комплекс ўргандик.

Бунда, айниқса, этник бирликнинг маданиятида руҳий ўзгаришларнинг ўхшашлиги ва фарқини ичидан туриб тадқиқ қиладиган *emic* ёндашув (психологик антропологиянинг ёндашуви) ва ташқаридан туриб тадқиқ қиладиган *etic* ёндашувга (қиёсий-маданий психологиянинг ёндашуви) таяниш, ҳар бир масалага объектив баҳо бериш нуқтаи назари заминиди *қиёсий* таҳлил этиш усулида ёритиш самарали натижа беради. Ижтимоий ҳодиса сифатида никоҳ *etic* категория ҳисобланади, аммо никоҳни тўлиқ ўрганиш ва тушуниш учун унинг *emic* хусусиятларини ҳам ўрганмоқ керак. Бунда муаммо ҳам ичидан, ҳам ташқаридан туриб ўрганилади. Бундай услуб муаммони тўлиқ ва ҳаққоний очиб беришга ёрдам беради. Ўз навбатида, тадқиқотда этнопсихологик тадқиқотларга қўйиладиган талаблардан бири бўлмиш *этнографик тадқиқот* услубига ҳам таяниш лозим. Умуман олганда, ушбу услуб барча *этно-* қўшимчаси мавжуд фанларнинг асосий методологиялари қаторига кириши мақсадга мувофиқ. Моҳиятига кўра, этнографик тадқиқот *emic* ёндашувга ўхшайди. Бу, албатта, этнографик тадқиқот *emic* ёндашувнинг фундаментини ташкил қилиши билан боғлиқдир.

Нафақат ўзбекларда, балки ҳар бир миллатда диннинг ўрни ва таъсири кучли бўлганлиги сабаб, оилада диннинг ўрни катталигини инобатга олган ҳолда тадқиқотни дин билан ҳамоҳанг таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Чунки бу халқнинг психологиясини билишга ёрдам берадиган муҳим омиллардан биридир. Бу борада дин психологиясининг *миқдорий* (кўпроқ диний раҳнамо таъсирида бўлган, ҳақиқий диндордан кўра, «берилган» шахс билан ишлайди) ва *сифатли* (диққат марказида ўзининг эътиқодига ишонган «ҳақиқий диндор» инсон туради) ёндашувларини синтез қилиш тавсия этилади.

Тил структураси тафаккур структурасини белгилайди, улар ўзаро боғлиқ. Фикр ифодаси учун ишлатиладиган сўзларда миллий ўзига хослик

бўлади. Шундай экан, оила-никоҳ муаммолари, хусусан, анъаналарини ўрганишда этнопсихолингвистиканинг *Э.Сепир – Б.Уорфларнинг лингвистик нисбатлик гипотезаси* назарияси ҳам методологик асос бўлиб хизмат қилиши мақсадга мувофиқ. Зеро, инсоннинг тафаккур тарзи нутқда, тилда реаллашади, моддийлашади.

Шу билан бирга, асосида шахсийлик ва жамоавийликнинг бир бутунликдаги кўриниши ётадиган этник социологиянинг *интеграл* ёндашуви, шунингдек, психологиянинг *генетик* принципи асосида ўрганиш ҳам мақсадга мувофиқ. Генетик принципда ўрганилаётган психик ҳодисага жараён деб қаралади, унинг диалектик ривожланишининг барча ҳолатлари тикланади, ўрганилаётган психик далилни унинг аниқ тарихи жиҳатидан тасаввур этилади.

Тадқиқот таҳлили юқоридаги методологияларни синтез қилиб, муаммога янгича нуқтаи назардан қараш тадқиқотчига оила-никоҳ масаласига нисбатан объектив ёндашишга имкон беришини кўрсатди. Бунда «emic» ва «etic», интеграл, микдорий ва сифатли ёндашувлар, Э.Сепир – Б.Уорфларнинг лингвистик нисбатлик гипотезаси, этнографик тадқиқот ҳамда генетик принциплар асосида синтезланган методологияга таянган ҳолда тадқиқот ўтказиш самарали натижани қўлга киритишга ёрдам беради.


Тадқиқот таҳлили юқоридаги методологияларни синтез қилиб, муаммога янгича нуқтаи назардан қараш тадқиқотчига оила-никоҳ масаласига нисбатан объектив ёндашиш имконини беришини кўрсатди. Бунда «emic» ва «etic», интеграл, микдорий ва сифатли ёндашувлар, Э.Сепир – Б.Уорфларнинг лингвистик нисбатлик гипотезаси, этнографик тадқиқот ҳамда генетик принциплар асосида синтезланган методологияга таянган ҳолда тадқиқот ўтказиш самарали натижани қўлга киритишга ёрдам беради.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ўзбек оила-никоҳ анъаналарининг идрок этилишининг ментал хусусиятлари ва никоҳ шакллариининг ижтимоий, этнопсихологик таснифи**»да ўзбекларда оила-никоҳ анъаналарига оид тушунчалар ва уларнинг этнопсихолингвистик талқини ва тавсифи, эмпирик тадқиқот натижалари асосида тошкентлик ўзбекларнинг ментал хусусиятлари, анъанавий ва замонавий никоҳ шакллариининг ижтимоий-иқтисодий, этнопсихологик хусусиятлари ифода этилган.

Тадқиқотлар жараёнида «анъана», «одат», «урф», «урф-одат», «маросим», «удум», «расм», «расм-русум» каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти ва ўзаро фарқи кўрсатиб берилиб, психологик мазмуни, таркибий қисмлари, уларнинг мезонлари ва функциялари илмий асосланди.

1-расмда ҳар бир тушунчанинг кенг ё торлигига қараб бири иккинчисининг таркибига кириши, шундан келиб чиққан тарзда улар фарқланиши кўрсатилган. Анъана – бу сиғими катта тушунча бўлиб, ўтмишдан келажакка мерос қоладиган, авлоддан авлодга ўтадиган, жамият ҳаётининг турли соҳаларида намоён бўладиган моддий ва маънавий қадрият. Урф ва анъанадан фарқли равишда одат халқона қонун-қоидалардир, яъни – одат

ҳуқуқи, ёзилмаган қоидалар. «Урф-одат» урф ва одат тусига кирган анъаналар бўлиб, хулқ-атворнинг стереотипик, яъни одатланилган шакли. У маълум бир жамият ёки ижтимоий гуруҳда шу гуруҳ аъзолари учун одат бўлиб қолган. Энди шаклланган ва халқ орасида кенг ёйилган урф-одатлар расм-русумлар ҳисобланади. Маросим – шахс, гуруҳ ва жамият ҳаётидаги муҳим ҳодисаларни нишонлаш шакли бўлиб, унда амал қилинадиган тартиб ва қоидалар удум деб аталади. Бу тушунчалар бир-бирига жуда яқиндан боғланган бўлиб, бир-бирини тўлдириб, бир-бирига ўтиб туриши уларнинг адаштирилишига ё синоним сўзлар сифатида ишлатилишига олиб келади. Таҳлиллар натижасига кўра, анъана, урф-одат, удум ва маросимлар кучли психологик ва ҳиссий таъсир этиш кучига эга бўлиб, инсонларни жамоа бўлиб бирлаштиради, шахсни жамоа билан идентификация қилади, шахс хатти-ҳаракатини маълум бир тартиб-қоидага солади. Авлоддан авлодга миллий меросни ўтказувчи кучли восита бўлиши билан бирга, улар стереотипик шакл ҳам ҳисобланади. Улар, айниқса, шахсда этник идентикликни, жамоавийлик туйғусини шакллантиришда катта роль ўйнайди.



1-расм. Анъанага оид тушунчалар структураси

Тадқиқот шуни кўрсатдики, ҳудудга хос хусусиятлар фақат урф-одат, анъана, маросим, қадриятларда эмас, балки халқ менталитетида, шахсга хос психологик сифатларда ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, Дж.Таусенд томонидан ишлаб чиқилган, Л.Г.Почебутнинг варианти бўлмиш «Маданият – қадриятлар йўналганлигини аниқлаш» тести орқали олинган эмпирик тадқиқот натижаларига кўра (n=868), Тошкент шаҳри ўзбеклари билан Воҳа ёки Фарғона водийси ўзбеклари менталитети орасида фарқлар мавжуд бўлиб, булар ўз-ўзидан оилавий ҳаётда ҳам ўз ифодасини топади. Хусусан, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Хоразм вилоятлари ўзбеклари бошқа вилоят ўзбекларидан ҳам замонавий (ЗМ), ҳам анъанавий маданият (АНМ) эгалари эканлиги билан ажралиб туради. Фақат асли тошкентлик бўлмаган ўзбеклар ЗМ билан динамик тарзда ривожланаётган маданият (ДРМ) эгалари бўлиб чиқдилар. Бу асли тошкентликларнинг ўз урф-одат, анъаналарига содиқлиги билан ўтмишга, шу билан биргаликда, ҳозирги замон воқеаларига ҳам йўналганликлари билан характерланади. Асли тошкентлик бўлмаганлар эса, ўтмиш-

дан кўра ҳозирги замон ҳамда келажак воқеаларига йўналганлар. Улар асли тошкентликларга нисбатан анча эркинлар, сабаби ўз қариндош-уруғ ва маҳалла-куйларида «узилган»дирлар, бу эса, ўз навбатида, анъаналаридан «узилиш»ларига олиб келади. Анъаналардан «узилиш» натижасида авлодлар ўртасида «узилиш» содир бўлади. Ўз навбатида, агар Андижон, Жиззах, Сирдарё, Навоий, Қашқадарё, вилоятлари ўзбеклари ЗМ эгалари бўлсалар, самарқандликлар ва сурхондарёликларда эса ҳам ЗМ, ҳам ДРМ устун туради. Бухоро, Наманган ўзбеклари ДРМ эгалари бўлиб чиқдилар.

Оила-никоҳ анъаналари ва улар асосида шаклланган муносабатлари қандай тушунилиши ва тасаввур қилинишига қараб, уларга ҳам шундай муносабат шаклланади. Бунинг учун махсус «*Оила-никоҳ масалалари*»га оид эркин ассоциатив методикаси ишлаб чиқилди. Мазкур тадқиқот (n=154) этнопсихоллингвистик парадигма доирасида бажарилди. Шу боис натижалар контент-таҳлил қилинди. 2-расмда уларнинг кластер таҳлилини кўриш мумкин. Маълум бўлдики, оила ва никоҳ ўзбеклар онгида муқаддас саналиб, улар бахтни ташкил қилади, яъни ўзбек халқи бахтни айнан шулар билан боғлайди. Ўз навбатида, ўзбек халқи бахтни никоҳ асосида оилали бўлиш, унда севги туйғусининг бўлиши ва фарзандларнинг борлиги билан боғлайди. Шаръий никоҳ деганда эса ўзбеклар никоҳ шаклини эмас, балки никоҳ ўқитилиш диний маросимини тушунадилар. Кўп хотинлилик, иккинчи хотин, хиёнат, ўйнаш кабилар ўзбекларда фақат салбий ҳис-туйғулар билан ассоциацияланади. Худди шунингдек, тўй харажатлари ҳам ортиқча харажатлар сабабли синалувчиларда салбий муносабатни келтириб чиқаради. Ажралиш ўзбеклар учун жуда оғир кечинмалар билан боғлиқ бўлиб, улар учун унга бўлган муносабатдан кўра унинг сабаблари кўпроқ аҳамиятлироқдир. Аксарият ўзбеклар юришни нафақат ҳаракат билан, балки хиёнат билан ҳам боғлайдилар. Бу асосан аёлларнинг тасаввури билан боғлиқ бўлиб, юришни улар эркакларнинг хиёнати билан ассоциация қилганлар.

Маълум бўлдики, аксарият ўзбеклар урф-одат, анъана ва маросим сўзларининг фарқига бормайдилар. Эксперимент чоғида айнан шу стимул-сўзларга улар реакция жавобини қайтаришга қийналдилар. Никоҳ тўйи маросимлари ўзбеклар учун хурсандчилик бўлса, тўй харажатлари ўзбекларда муаммо билан ассоциацияланади, сабаби у чиқим талаб қилади. Шу сабабли унга пул топиш керак, бу эса азоб билан боғлиқ ассоциацияни келтириб чиқаради. Бу ассоциациялар бугунги тўйлардаги харажатлар ўзбеклар томонидан исрофгарчилик сифатида идрок қилинишини кўрсатади. Ўзбеклар оилавий шароит яхши бўлиши, ҳамма нарса бор-бут ва иқтисодий таъминланган бўлмоғи лозим, деб ҳисоблайди. Бунинг учун эса қўлдан келганча ҳаракат қилади. Оилавий шароитнинг яхши бўлиши хоҳиш-истак билан боғлиқ бўлганлиги сабаб, тўйнинг «орзу-ҳавасдек», яъни бойларникидек бўлишини хоҳлаш (чунки ҳамма бойлардек яшашни хоҳлайди) исрофгарчиликка олиб келади.

Ўзбекларда қадимдан никоҳнинг бир неча тури мавжуд бўлган. Булар: қалинлик никоҳ, қалинни бекор қилувчи одатлардан бел қуда, бешик қуда (бешик кетди), қарши қуда, куч куёв, ичкуёв, левират, сорорат ва б. Қалиннинг юзага келиши ислом динига боғлиқ бўлмай, у иқтисодий ҳаёт талабидан келиб чиқиб, келин ва куёв оиласини бутлаш мақсадида харажат қилинади. Махр эса аёлнинг иқтисодий тангликда қўллаб-қувватлайдиган кўчмас мулкдир. Бироқ махсус ишлаб чиқилган ижтимоий-психологик сўровнома натижалари (n=240) кўпчилик ўзбекларнинг қалин ва махр ҳақида нотўғри тушунчаларга эга эканлигини кўрсатди. Улар қалинни исломий одат сифатида бажариш шарт, деб ҳисоблайдилар (44,2%). Айрим ўзбеклар (асосан,эркаклар) уни сут пулининг айнаи ўзи деб билади (16,7%). Ўз навбатида, аёлларнинг аксарияти (86,7%) бугунги кунда махрга номига амал қилинаётганига норози. Эркаклар (50%) қалинга тўй маросимларининг ичидаги бир одат сифатида қараб, қалин аёлларнинг нархини белгилаб, уни олди-сотди объектига айлантиради, деса (20%), аёллар эса (50%), уни иқтисодий ёрдам сифатида қабул қилиб (50%), унга никоҳ тўйи маросимлари тизимидаги бир одатга қарагандек амал қилишади (83,3%). Бу эса қалин бериш одатининг анъанага айланганини кўрсатади. Аксарият эркаклар (60%) қалин одатининг йўқолишига, кўпчилик аёллар (53,4%) эса унинг сақланиб қолишига ишонадилар. Факторли таҳлил ҳам эркак ва аёлларнинг одатларни идрок этишдаги гендер тафовутни акс эттирди. Эркакларда одатнинг моддий томони устувор бўлса, аёлларда ҳиссий-эмоционал жиҳат устувор бўлмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекларнинг қалин бериш одатига бўлган муносабати (факторли таҳлил)

Категориялар	Фактор юкламалари		
	1	2	3
Аёллар			
Қалин билан сут пули ўзи бир нарса бўлиб, ҳозирда керакмас, ортиқча одатлардир	-0,828		
Бугунги кунда қалин барча мусулмонлар бажариши шарт бўлган одат	0,818		
Қалинни одат сифатида бажариш зиён қилмайди, унинг нархи паст	0,720		
У фақат расмиятчилик юзасидан бажариладиган одат бўлиб қолган	-0,589		
Қалин бўлмаса, қизнинг ота-онасига тўй қилиш жуда оғир бўлади	0,495		
Қалин ҳозир йўқ бўлиб кетган, аммо онанинг сут пулисини бериш керак			0,854
Қалин аёлларни хўрловчи одат, уни йўқотиш керак			0,764
Эркаклар			
Қалин билан сут пули ўзи бир нарса бўлиб, ҳозирда керакмас, ортиқча одатлардир	0,947		
Қалин аёлларни хўрловчи одат, уни йўқотиш керак	0,864		
Бугунги кунда қалин барча мусулмонлар бажариши шарт бўлган одат	-0,853		
Қалинни одат сифатида бажариш зиён қилмайди, унинг нархи паст	-0,607	0,516	
Қалин бўлмаса, қизнинг ота-онасига тўй қилиш жуда оғир бўлади		0,938	
Қалин ҳозир йўқ бўлиб кетган, аммо онанинг сут пулисини бериш керак		0,844	
У фақат расмиятчилик юзасидан бажариладиган одат бўлиб қолган			0,982

XX асрнинг охириларигача ҳукм сурган, кўплаб олимлар томонидан эътироф этилган никоҳ шакллари бугунги кунга келиб ўз аҳамиятини йўқотган ёки бутунлай йўқолган. Уларнинг ичида энг кўп сақланиб қолгани бу қалинли никоҳ туридир. Аммо сақланиб қолган никоҳ шакллари энди никоҳ қуришдаги бирламчи шарт-шароитларни белгиламайди, бугунги кунда улар фақат анъана сифатида яшаб келмоқдалар, холос. Тадқиқотимиз бугунги кунда ўзбекларнинг оила-никоҳ муносабатларига бўлган қарашлари, муносабатлари ўзгариб бораётганини кўрсатди. Натижада ўзбекларда янги никоҳ турлари шаклланди. Замонавий никоҳ шакллари биз қуйидагича классификация қилдик: *анъанавий* никоҳ (қалинлик никоҳ ва ичкуёв (куч куёв) одатлари ҳам шунинг ичига киради), фақат *диний* никоҳ, фақат *қонуний ёки юридик тасдиқланган* (никоҳ ўқилмаган) никоҳ ва *фуқаролик* никоҳи.

Аксарият ўзбеклар анъанавий никоҳ (85%) орқали оила қурадилар. Шу билан бирга, қолган никоҳ турлари ҳам ўзбекларда учрайди. Хусусан, ўзбекларда бугунги кунда диний никоҳ (16,7%) анча кўпайган. У моногам никоҳдан кўра, кўпроқ полигинияда намоён бўлмоқда. Эркаклар иккинчи хотин олишда фуқаролик никоҳидан ҳам фойдаланадилар. Фуқаролик никоҳи (6,7%) ажрашганларда, аралаш никоҳ фарзандларида ҳам кўп учрайди. Қонуний никоҳ (8,3%) эса ўзбекларда жуда кам учрайди. Бундай никоҳ «замонавий» қарашга эга ёки атеистлиги билан ўзбекларнинг мусулмон қисмидан ажралиб турадиган, шу билан бирга, у аралаш никоҳларда (икки хил дин вакилларида) ва аралаш никоҳ фарзандларида учрайди.

Кўпчилик ўзбеклар диний, қонуний ва фуқаролик никоҳ турларига ўзининг салбий муносабатини билдирган. Диний (60,8%) ва фуқаролик никоҳига (85,9%) қараганда, кўпчиликнинг, айниқса, қонуний никоҳга муносабати салбий (90,8%). Қонуний никоҳ энг кўп танқид остига олинганлиги унда диний *никоҳ*нинг ўқилмаслиги (90%) билан боғлиқ бўлиб, бу эътиқодли инсон психологияси нуқтаи назаридан келиб чиққан. Ўз навбатида, ўзбеклар диний эътиқоди ҳаммада бир хил намоён бўлмаган. Бу диндор эмас, «берилган» шахс психологияси билан боғлиқ. Агар ФХДЁдан ўтиш кўпроқ аёллар (41,7%) учун аҳамиятлироқ бўлса, эркакларга (70%), аксинча, *никоҳ* ўқитиш афзалроқдир. Бу кўпчилик аёллар ҳуқуқий кафолатланишни муҳимроқ деб билишини кўрсатади. Фуқаролик никоҳига бўлган салбий муносабат унда диний *никоҳ*нинг ўқилмаслиги (75%) ва умуман никоҳ сифатида тан олинмаслиги (70%) билан боғлиқ. Энг кам эътироз диний никоҳга нисбатан бўлиб, ижобий муносабат аксинча кўпроқ билдирилган. Диний никоҳга салбий муносабат кўп хотинлилик билан боғлиқ бўлса, ижобий муносабат унинг шарият томонидан тан олинганлиги билан белгиланади, ўз навбатида, бу эътиқод қилувчи шахсда рухий хотиржамлик ҳиссини вужудга келтиради. Шу билан биргаликда, кўп хотинлиликка салбий муносабат асосан аёлларга (30%) тегишли бўлса, ижобий муносабат кўпроқ эркакларга (30%) тегишли. Умуман олганда, кўп хотинлиликка бўлган салбий муносабат уч никоҳ турига нисбатан салбий муносабатни келтириб чиқарган. Шунга қарамай, бугунги кунга келиб ўзбекларнинг кўп хотинлиликка бўлган муносабати 50/50 бўлинган дейиш мумкин. Бу мустақиллик йилларида ўзбекларда диний эътиқоднинг ортиши

билан боғлиқ. Бу уч никоҳда яшайдиган оилаларга ўзбекларда бефарқ қаровчилар камчиликни ташкил қилади: диний никоҳда – 11,7%, қонуний никоҳда – 6,7%, фуқаролик никоҳида – 6,7%. Қонуний ва фуқаролик никоҳларига нисбатан бефарқлар орасида аёллар кўпчиликни ташкил қилади. Бу аёллар эркакларга нисбатан мурасасоз (либерал) бўлиб бораётганини кўрсатади. Шунга қарамай, бугунги кунда ўзбекларда бефарқ қаровчиларнинг мавжуд бўлиши жамиятнинг қанчалик даражада ўзгариб бораётганидан далолат беради. Чунки юз йил аввал ўзбекларда бундай никоҳларга нафақат бефарқ қараларди, балки никоҳсиз бирга яшашларни тасаввур ҳам қилиб бўлмасди.

Натижада кўпчилик фақат анъанавий никоҳни тан олишлари ва маъқуллашлари маълум бўлди. Маълум бир сабабларга кўра, анъанавий никоҳда бўлиш имконияти бўлмаганда, бошқа никоҳ шаклларида (асосан, диний никоҳ) бўлиш ҳам ўзбеклар томонидан маъқулланади. Бу ўзбекларда ёлғиз яшаш маъқулланмаслигидан далолат беради.

Учинчи боб «**Ўзбекларнинг никоҳгача бўлган муносабатларида этнопсихологик хусусиятлар**»да никоҳ олди омиллари, никоҳ тўйига тайёргарлик, умр йўлдошини танлаш мезон ва омилларининг ижтимоий, этнопсихологик хусусиятлари бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Маълум бўлдики, оддий тўй, қизга қилинадиган сеп, йигит томондан қилинадиган харажатлар учун кўпчилик оилалар тўйга тараддудни 1 – 2 йил олдин эмас, балки фарзандининг туғилиши билан бошлайди. Бугунги кунга келиб бу ўзбек халқида анъанага айланган бўлиб, у нафақат моддий, балки ижтимоий ва ижтимоий-психологик тайёргарликни, яъни у ўзида қариндош-уруғ, дўсту биродар ва кўни-қўшнилари билан бўлган алоқасини кўзда тутаяди. Зеро, ўзбек тўйлари ҳар хил маросим ва удумларга бой бўлиб, кўп кишилар иштирокини талаб қилади. Уларнинг ёрдам бериш ё бермаслиги ҳар бир инсоннинг қай даражада жамият томонидан белгиланган анъана ва урф-одатларга амал қилишига боғлиқ. Бу фарзандларнинг ёшлигидан ёру биродарларига, қўшниларига ҳурмат-иззатда бўлишга, уларнинг фикрлари билан ҳисоблашишга ўргатилиниш сабабини изоҳлайди. Одамларнинг тўй ва бошқа тадбирларида иштирок этмайдиган шахсга ҳам моддий томондан, ҳам руҳий томондан тўй қилиш жуда оғир бўлади. Қариндош-уруғ, кўни-қўшни ва дўстлар билан алоқани яхши сақлаш бу бир томондан ўзбек халқининг юқори маданияти бўлса, иккинчи томондан заруриятдан келиб чиққан ҳолда унинг жамоавийликка асосланган миллий психологиясидир.

Никоҳга етуклик дейилганда оила қурувчи ёшларнинг: жисмоний, жинсий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий, психологик каби етуклик жиҳатлари тушунилади. Тошкентлик ўзбекларда никоҳ қуришда жинсий, ҳуқуқий, жисмоний етукликлар асосий омиллардан бири. Аммо маънавий-ахлоқий етукликнинг биринчи ўринга чиқиши ҳозирда тошкентликларнинг никоҳга етуклик борасидаги қарашларида бирмунча ижобий психологик ўзгаришлар бўлганлигини кўрсатади. Агар эркаклар учун маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий етилиш аҳамиятли ҳисобланса, аёллар аввало жинсий етукликни, сўнг касб-хунар, жисмоний, маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий ва иқтисодий етукликлар муҳимроқ деб ҳисоблайдилар. Корреляция коэффициенти нати-

жалари таҳлили, статистик жиҳатдан аҳамиятлилик даражаси юқори бўлмаса ҳам, жинсий етуклик масаласи бўйича жавобларда тескари тенденция борлигини кўрсатади ($r=-0,34$, $p\leq 0,1$) (2-жадвал). Ўзбекларда амалда жисмоний, жинсий, ҳуқуқий, иқтисодий етукликлар никоҳ қуришда инobatга олиниши учраса, камдан-кам ҳолларда маънавий-ахлоқий ва психологик етукликлар эътиборга олинади. Маънавий-ахлоқий ва психологик етукликларни аниқлашнинг нисбатан мураккаблиги, уларга етарли эътибор берилмаётганлиги бугунги кунда ажралишларнинг кескин ўсишига олиб келаётган бўлса, ушбу етукликларнинг етакчилар савиясига чиқиши оила институтини мустаҳкамлашдаги самарали потенциаллардан бири ҳисобланади.

2-жадвал

Йигит-қизларнинг никоҳ қуришга етилиши
(К.Пирсон r корреляция коэффиценти асосида)

	Аёл			Э	
	Ўрин	Ўрин		Ў	Ў
Маънавий-ахлоқий	IV	I	Касб-ҳунарда етилганда	II	IV
Жинсий етилганда	I	IV	Психологик	VI	III
Ҳуқуқий	IV	II	Иқтисодий (моддий)	V	IV
Жисмоний (физиологик)	III	III	$r=-0,34$ $p\leq 0,1$		

Тошкентликларда аёллар никоҳланиш ёшининг энг юқори кўрсаткичи 19 – 20 бўлиб, ундан кейин ёш ўтиши билан бу кўрсаткичнинг пасайиши кузатилади. Эркакларда эса 19 – 20 ёшдан бошлаб никоҳланиш ёши то 25 – 26 ёшгача ўсиб бориб, ундан кейин пасайиб кетади. Ёшларнинг вояга етиши ва никоҳга етуклиги кўрсаткичлари бир-бирига қарама-қарши ва нотурғун бўлишига қарамай, илмий изланишлар турмуш қуриш учун нисбатан маъқул ёш қизлар учун 22 – 24, йигитлар учун 26 – 28 ёш эканлигини кўрсатди.

Бир неча ўнлаб никоҳ мотивлари бўлишига қарамай, анъанавийлик кучли бўлган ўзбек халқидан келиб чиқиб, никоҳ мотивлари умумлаштирилган ҳолда 5 гуруҳга ажратилди: табиий, ижтимоий, ижтимоий-психологик, моддий ёки ўзга манфаатдорлик туфайли, стереотип бўйича. Ижтимоий-психологик мотив, яъни эътиборли, меҳрибон, ишонарли, вафодор инсон билан яшаш ўзбеклар учун турмуш қуришда энг муҳим деб саналса, стереотипга асосланиб турмуш қуриш иккинчи ўринда, ижтимоий мотив ва моддий ёки манфаат юзасидан оила қуриш учинчи ўринда туради. Бу кўпчилик ўзбекларнинг совчилик орқали танишиб никоҳ қуриши билан белгиланади. Энг охирги ўринда табиий эҳтиёж орқали оила қуриш туради. Оила қуриш борасида эркаклар аёлларга нисбатан умр йўлдошини идеаллаштиришга мойил бўлиб чиқди. Аёллар эътиборли, меҳрибон, ишонарли, вафодор инсон билан яшашни севгидан устун кўядилар, аммо турмуш қуришда кўпинча стереотипга асосланадилар. Эркакларда эса аксинча, улар умр йўлдошлари ишончли, вафодор бўлишини хоҳлайдилар, аммо севгини ҳамма нарсадан устун кўрадилар. Ҳам аёлларда, ҳам эркакларда ота-онанинг хоҳиши катта аҳамият касб этади ва у турмуш қуришда муҳим мотив бўлиб

хизмат қилиши мумкин.

Бугунги кунда никоҳ ташаббускорлари асосан фарзандларнинг (41,6%) ўзи бўлиб, буларнинг асосий қисми йигитларга (55%) тегишли. Хусусан, тошкентликларнинг ўзи никоҳ қуришда айнан уйланиши керак бўлган йигитнинг ўзи (65,8%) ташаббус кўрсатгани маъқул, деб ҳисоблайдилар. Аммо умр йўлдошини танлашда энг аввало ота-она (46,7%) муҳим роль ўйнайди. Никоҳ қураётган йигит ё қизнинг фикри муҳим аҳамият касб этса ҳам, улар ота-оналарининг таъсирида қарор қабул қилишади. Ўз навбатида, ота-оналар оила қуришда ҳамма нарсани ёшларнинг ўзига ташлашни нотўғри, деб ҳисоблайдилар (20,8%). Агар қизларда (65%) бошқа шахсларнинг (ота, она, қариндошлар, дугоналар ва х.) фикрлари таъсирида умр йўлдошини танлаш кўпроқ учраса, эркакларда (35%), аксинча, бу ҳолат фақат ота-онада намоён бўлади. Эркакларнинг умр йўлдоши танлашда танлов ҳуқуқлари аксарият ҳолда ўз қўлларида бўлишини севиб (40%) ёки ёқтириб (45%) никоҳ қуриш уларда нисбатан кўпроқ учрашида ҳам кўриш мумкин. Севмай никоҳ қуриш эса эркакларга (5%) нисбатан аёлларда (21,7%) кўпроқ учрайди.

Тошкентликлар умр йўлдошини танлашда энг муҳим бўлган омиллар сифатида, биринчи навбатда, севгини, оиланинг яхши-ёмонлиги ва соғлиқни, иккинчи даражада, миллати, диний эътиқоди, ёмон хислатларнинг бор-йўқлиги, ёш ўртасидаги фарқ, ижтимоий табақаси (насли), маълумотини биладилар. Сўнг умр йўлдоши танлашда касби, моддий томони, оиланинг жамиятдаги обрўси, қаерданлиги, ташқи кўриниши, қаерда ишлаши, қариндошчилик алоқалари ва никоҳланиш ёши эътиборга олинади. Характерларнинг бири-бирига мослиги эса деярли ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас (3-жадвал: Ў – ўрин, У – умумий, А – аёллар, Э – эркаклар, О – омиллар).

Аммо амалда ҳозирги кунда умр йўлдоши танлашда қуйидаги жиҳатлар аҳамиятга эга: биринчи ўринда – оиланинг умуман яхши-ёмонлиги, моддий тарафи, унинг жамиятдаги обрўси, қиз, айниқса, йигитнинг қаерда ишлаши (умуман иш билан таъминланганлиги), касби, соғлиги, ёмон хислатларининг бор-йўқлиги, иккинчи ўринда – севги, оиланинг қаерданлиги, йигит, айниқса, қизнинг ташқи кўриниши, маълумот савияси, охириги ўринда – насл-насаби, ижтимоий табақаси, диний эътиқоди, миллати. Тошкентликлар учун умр йўлдошини танлашда энг муҳим мезон сифатида келин-куёвнинг шахсий сифатларининг инобатга олинмаслиги бўлажак турмуш ўртоғининг шахсий сифатларини қисқа муддатда бир неча учрашув асосида билиб олишнинг қийинлиги, мураккаблиги билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам улар объектив, ҳамма тан олган мезонлар, яъни унинг ота-она оиласини муҳим хусусиятлари ва ота-онасининг обрўсига таянган ҳолда тегишли қарорга келадилар. Бу эса психологик жиҳатдан кўп ҳолларда ўзини оқлайди. Тадқиқот куёв оиласи ҳамда келиннинг оиласи нафақат моддий жиҳатдан, балки ҳар томонлама иложи бориша тенг ва бир-бирларига яқин бўлишлари яхши натижаларга олиб келишини асослади.

Тадқиқот тошкентлик ўзбек йигитларида оила тақдири, уни мустаҳкам қилиш масъулияти кўп жиҳатдан ота-оналари зиммасига юклатилишини кўрсатди. Бу асосан совчилар орқали юзага келган оилаларда кўп учрайди. Бу

ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёрлашда мазкур масалага етарли эътибор берилмаётганлигини кўрсатади. Ўзбекларда анъанавий бўлган совчиларда суриштириш одати, яъни экспертлар баҳоси методи сўнгги ўн йилликларда ўта юзаки, бир томонлама олиб борилганлиги сабаб, у деярли самара бермайди.

3-жадвал

Умр йўлдошини танлашда аҳамиятга эга муҳим омиллар (% ҳисобида)

		<i>Умр йўлдошини танлашдаги омиллар</i>			<i>У</i>	<i>А</i>	<i>Э</i>	<i>О</i>	<i>У</i>	<i>А</i>	<i>Э</i>
		<i>Ўринга қўйилиши бўйича</i>			<i>Эътиборга лойиқ</i>						
<i>Ў</i>	<i>Т/р</i>				<i>%</i>	<i>%</i>	<i>%</i>	<i>Т/р</i>	<i>%</i>	<i>%</i>	<i>%</i>
I	1	Севги			30,8	21,7	40	2	55,8	51,7	60
II	2	Оиланинг яхши-ёмонлиги			29,2	28,3	30	3	48,3	51,7	45
III	3	Соғлиги			27,5	25	30	4	43,3	41,7	45
IV	4	Миллати			20	20	20	1	42,5	35	50
V	5	Диний эътиқоди			16,7	18,3	15	6	39,2	48,3	30
VI	6	Ёмон хислатларнинг бор-йўқлиги (ичади, чекади...)			15	25	5	8	38,3	41,7	35
VII	7	Ёш ўртасидаги фарқ			15	20	10	5	36,7	38,3	35
VIII	8	Ижтимоий табақаси (насли)			13,3	16,7	10	14	35	40	30
IX	9	Маълумоти			12,5	15	10	7	33,3	36,7	30
X	10	Касби			5,8	11,7	15	9	32,5	35	30
XI	11	Моддий томони			5,8	11,7	5	10	28,3	41,7	15
XII	12	Оиланинг жамиятдаги обрўси			5,8	6,7	5	11	27,5	35	20
XIII	13	Қаерданлиги			5	5	5	12	25,8	21,7	30
XIV	14	Ташқи кўриниши			4,2	8,3	15	15	20,8	26,7	15
XV	15	Иш жойи			4,2	8,3	5	13	15,8	21,7	10
XVI	16	Қариндошчилик алоқалари			2,5	5	10	16	12,5	15	10
XVII	17	Никоҳланиш ёши			0,8	1,7	5	17	10,8	11,7	10
XVIII	18	Ҳаммасига			0,8	1,7	–				
XIX	19	Характерларнинг бир-бирига мослиги			0,8	1,7	–				

Тўртинчи боб «**Никоҳ тўйи анъаналарининг ижтимоий-иқтисодий, этнопсихологик хусусиятлари**»да никоҳ тўйигача бўлган ва никоҳ тўйи билан боғлиқ анъаналарнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда этнопсихологик хусусиятлари, ўзбекларнинг уларга бўлган муносабати кўриб чиқилган.

Тадқиқотга кўра, ҳозирги ёшларнинг 17,5% тасодифан, 12,5% ўқиш жойида, 5% интернет орқали, шу билан бирга, камчилик кўча, тўй ва байрамларда, телефон орқали, ўзга шароитларда танишмоқдалар. Ёшлар қандай танишишидан қатъий назар, албатта келинникига совчиларнинг бориши (64,2%) никоҳнинг юзага келишидаги этник шарт, урф-одатлардан

бири ҳисобланади. Тошкентлик ўзбекларда совчилик анъанаси қатъий амал қилингани билан унинг таъсир ва ҳал қилувчи роли кескин пасайган. Бунинг ижобий томони ёшларга кўпроқ мустақиллик берилгани бўлса, салбий томони мутлоқ тайёр бўлмаган кишиларнинг совчилик қилишидир. Совчиликда ижтимоий-иқтисодий мезон етакчилик қилиб, оилавий ҳаёт учун муҳим бўлган ижтимоий-психологик ва индивидуал-психологик хусусиятларга етарли эътибор берилмайди. Бу эса совчилик орқали никоҳ қуриш ҳар доим ҳам яхши натижа бермаслигини кўрсатади.

Тадқиқот кўпчилик тошкентликларнинг (65%) ёшларнинг никоҳгача учрашиб юришларидан кўра, совчилик орқали расмий учрашишини маъқул кўришини (32%) кўрсатди. Ўзбек оилаларида учрашувлар одатда 3 – 4 тадан ортиғига чўзилмаслиги сабаб, бўлажак эр-хотин никоҳдан олдин ўзларининг психологик хислатларини тўлароқ, очикроқ намоён қила олмайди. Никоҳгача учрашиб юришларга қарши бўлганлар асосан эркаклар (80%) бўлса, аксинча, бундай учрашувларни маъқуллаганлар ичида аёллар (45%) кўпчиликти ташкил қилади. Ҳозирги пайтда ўзбекларнинг никоҳгача ёшларнинг бир-бирларини маълум муддат билишларига салбий муносабат билдиришларининг сабаби фақат йигитларга бўлган ишончининг йўқлигида эмас, балки бундай «юришлар» ўзбек халқи менталитетига тўғри келмайдиган салбий оқибатларга олиб келаётганлигида ҳамдир.

Тадқиқот натижалари бугунги кунда ёшларнинг никоҳдан олдин бир-бири билан интим (жинсий) ҳаётда бўлишига нисбатан муносабати ҳар хиллигини ва бундай муносабатлар одатий ҳолга (72,5%) айланиб бораётганини кўрсатди. Никоҳгача бўлган жинсий муносабатларга ижобий ёндашувнинг (31,7%), ҳатто бефарқликнинг (8,3%) билдирилиши ўзбекларда келажакда никоҳгача эркин жинсий муносабатлар борган сари кўпайишини ва оддий бир ҳолатга айланиб боришини кўрсатади. Ижобий муносабат фақат аёллар (8,3%) томонидан билдирилиши эса жамиятда шиддат билан ўзгаришлар содир бўлаётганини ва бу ўзгаришлар асосан аёллар дунёқарашада содир бўлаётганлигини билдиради. Аксарият ўзбеклар эркин муносабатларга салбий муносабат билдиришига қарамай, бундай муносабатларни маъқуллайдиганларнинг пайдо бўлаётгани Совет даврида бу масала ёпиқ ҳисобланганлиги ва ҳозирда Ғарб мамлакатлари ОАВ, кинофильм ва телесериаллари таъсирининг оқибатидир. Айнан аёлларда кўпайиб бораётганлигини эса, бундай жараёни эркаклар анча олдин бошидан кечирганлиги билан изоҳлаш мумкин. Шунга қарамай, кўпчилик тошкентлик ўзбеклар ёшларнинг бугунги кунда жинсий ҳаёт ҳақида тасаввурга эга бўлганлари маъқул (66%) деб ҳисоблаб, жинсий сабоқни, аввало, ота-она (33,3%) бериши лозим дейди. Врач ва психологларнинг жинсий ҳаёт масалаларидан сабоқ беришда етакчи бўлмаганлигининг сабаби, ушбу касб эгаларининг омма онгида идрок этилиш хусусиятлари билан боғлиқ. Врач омма онгида биринчи навбатда

дardни даволовчи шифокор сифатида идрок этилса, психологнинг касб фаолияти ҳақида эса омма етарли тушунчага эга эмасдир.

Тошкентликларда бугунги кунда *совчилик* ва *учрашувдан сўнг оқ ўрар, нон синдириши* битта маросим қилиб ўтказилмоқда. Бунда *фотиҳа тўйи* алоҳида ўтказилади ёки умуман ўтказилмайди. Шу билан бирга, *оқ ўрар, нон синдириши* удум сифатида *фотиҳа тўйи* маросимида кўшиб ўтказилмоқда. Улардан сўнг *уй кўриши, мол ёяр* урф-одатлари бажарилади. Ўз навбатида, *тўй юборар* маросим сифатида эмас, балки анъана сифатида унинг харажатлари қиз томонга берилиши билан бажарилляпти. Улардан сўнг бажарилаётган асосий анъаналарга *наҳорги ош, куёв навкар, никоҳ ўқитиш, никоҳ базми, тўшак солди, патнис уриши, мамараим уйланди, тугди-туғди, ойнага боқиши, тўққиз-тўққизлар кирса, келин барон, келин салом, қуда чақирув* маросимлари, келиннинг қўлини унга ва ёққа ботириш, қовурдоқнинг олиб борилиши, *куёв оши*, биринчи якшанбада куёвниқига *йўқловнинг* бориши кабилар икки оиланинг келишишига боғлиқ равишда сон жиҳатдан кескин қисқартирилган тарзда ўтказилляпти. Маросимларнинг қисқариши ортиқча харажатларни қисқартиришга бўлган эҳтиёж билан белгиланади. *Синов удумлари, кўрна қавиш, маслаҳат оши, қиз базми, сабзи тўғрар, чорлар (чаллар)* маросимларидан эса бутунлай воз кечилди.

Корреляция коэффициентлари ҳозирги кунда маросимларнинг умуман бажарилиши ва бажарилмаслиги тўғрисида эркаклар ва аёлларда уйғунлик мавжудлигини кўрсатди. Яъни, маросимлар умуман шу тартибда бўлаётганлигига эркак ва аёллар аҳамиятлилик даражаси бўйича бир хилда баҳоладилар ($r=0,35, p\leq 0,05; r=0,33, p\leq 0,05$). Ўзларининг тўйларида эса эркак ва аёллар қарашларида зиддият ҳам, уйғунлик ҳам кузатилмайди ($r=-0,058, p\leq 0,1$). Бу уларнинг ўзларининг тўйларидаги маросимларга эътибор бермаганликларини кўрсатади. Мазкур корреляцион таҳлил оила-никоҳ анъаналарини бажаришда ўзбекларда конформлилик даражаси юқори бўлишини, кўп ҳолатларда урф-одат ва маросимларнинг қандай ва қайсилари бажарилиши уларга боғлиқ бўлмаслигини исботлади.

Ҳозирда маҳалла қўмитасининг тўйлардаги асосий иштироки маслаҳат бериш (54,2%) ва бўлажак келин-куёв ҳақида маълумот олишга ёрдам бериш (40,8%) билан чегараланиб қолмоқда. Маҳалла қўмиталарининг ҳар хил турда ёрдам беришини таъкидлайдиганлар билан бирга (78,4%), улар ҳеч қандай ёрдам кўрсатмайди (35%), дейдиганлар ҳам бўлиб, бу маҳалла қўмиталарининг ҳар жойда ҳар хил ишлашини кўрсатади. Хусусан, факторли таҳлил ҳам маҳалла қўмитасининг тўйдаги иштирокига нисбатан гендер тафовут фарқларини очиб берди (4-жадвал). Аёллар маҳалла қўмитасига, бир томондан, қадрият сифатида, иккинчи томондан, моддий таъминот нуқтаи назаридан қарасалар, эркаклар моддий ёрдамнигина фаолияти сифатида тан олишади. Номига ишлайдиган бундай маҳалла қўмиталарининг аксарияти кўп қаватли уйлар жойлашган маҳаллаларда учрайди. Шу билан бирга, акса-

рийат маҳалла фаоллари тўй ва бошқа тадбирларни ортиқча дабдабаларсиз ўтказиш борасида аҳоли орасида тушунтириш ишларини талаб даражасида олиб бормаяпти.

4-жадвал

Тўйларни ўтказишда маҳалла қўмитаси аъзоларининг иштироки (факторли таҳлил)

Категориялар	Фактор юкламалари	
	1	2
Аёллар		
Тўйларни ўтказишда маҳалла қўмитаси – маҳалла оксоқоли ва қўмита аъзолари тўй юзасидан маслаҳатлар беради	0,783	
Тартиб-интизомни назорат қиладилар	0,780	
Бўлажак куёв (келин) ҳақида маълумот олишга ёрдам беради	0,766	
Ёрдам қилмайдилар, фақат “еб, ичиб” кетадилар, холос	-0,684	-0,416
Тўй ўтказишда кўмаклашади		0,923
Тўй учун зарур нарсалар (стол-стул, идиш-товок) билан таъминлайди		0,578
Улардан ҳеч қандай наф йўқ, ҳаммаси номига, ёрдам кутиб бўлмайди		-0,513
Эракаклар	1	2
Ёрдам қилмайдилар, фақат “еб, ичиб” кетадилар, холос	-0,892	
Улардан ҳеч қандай наф йўқ, ҳаммаси номига, ёрдам кутиб бўлмайди	-0,829	
Тўй ўтказишда кўмаклашади	0,754	
Тўйларни ўтказишда маҳалла қўмитаси – маҳалла оксоқоли ва қўмита аъзолари тўй юзасидан маслаҳатлар беради	0,603	0,504
Бўлажак куёв (келин) ҳақида маълумот олишга ёрдам беради	0,601	
Тўй учун зарур нарсалар (стол-стул, идиш-товок) билан таъминлайди		0,933
Тартиб-интизомни назорат қиладилар		0,867

Тошкентда нисбатан кўпчилик ойлик маош (45,8%) ҳисобига яшаса ҳам, тошкентликлар икки оила никоҳ тўйининг уч босқичини ўтказиш учун катта маблағ сарфламоқда. Бу маросимлар қисқариб, соддалашганини, аммо харажатлар анча ошиб, қимматлашганини кўрсатади. Сабаби, агар авваллари кўпчилик урф-одатлар маросим сифатида меҳмондорчилик билан бажарилган бўлса, ҳозир кўпчилик унга ўз имкониятидан келиб чиқиб харажат қилишнинг ўрнига, уларда дабдабабозликка йўл қўймоқда. Харажатларни қисқартириш ўрнига маросимнинг ўзидан воз кечилиши кўпчилик тошкентликларнинг (40,8%) ортиқча сарф-харажатларни фақат маросимларнинг ўзини қисқартирсагина йўқотиш мумкин, деб ҳисоблаши билан ҳам боғлиқ. Ўз навбатида, аёллар (33,3%) маросимларга «ҳамма қилгани» учун эмас, балки ўзининг шароити ва имкониятидан келиб чиқиб амал қилсагина тўйдаги ортиқча сарф-харажатларни йўқотиш мумкин, деб ҳисоблайди. Эътиборлиси, санокли бўлса ҳам, урф-одат ва маросимларда ҳеч қандай ортиқча сарф-харажат йўқ, уларнинг ҳаммаси керак (3,3%), деб ҳисобловчилар ҳам бўлиб, бундай фикрлайдиганлар гуруҳида эракаклар (5%) аёлларга

(1,7%) нисбатан кўпроқдир. Бу ортиқча дабдабозликда эркакларнинг ҳам ўрни етарлича борлигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларига кўра, бугунги кунда ўзбекларнинг кўпчилиги (54,1%) маросимларни расмийлик учун бажармоқда. Маросимлар асосан катта авлод вакиллари туфайли сақланиб, ёшлар ва ўрта ёшлиларнинг кўпчилиги уларнинг нима учун кераклигини тушунмаган ҳолда урф-одатларнинг оилани мустаҳкамлашда ҳеч қандай аҳамияти йўқ, деб ҳисоблайди. Бу ҳозирги вақтдаги бозор иқтисодиёти муносабатлари сабабли одамларнинг прагматик бўлишлари билан ҳам боғлиқ.

Кўпчилик тошкентликлар никоҳ тўйи билан боғлиқ маросимларнинг кўпини ортиқча ва уларда сарф-харажат кўп, деб ҳисобласалар-да, уларни бажаришдан воз кечмайдилар. Буни ҳатто унутиб кетган баъзи одатларни (*синов удумлари, маслаҳат оиши, кўрна қавиш* маросимини бажариш, *қиз оиши, сабзи тўзғар, байт айтиш, чаллари*) ҳам ўтказиш шарт, деб ҳисоблайдиганларнинг бўлишида ҳам кўриш мумкин (5-жадвал).

Тўйлар ўзбек халқининг маънавий юксалишида қанчалик ижобий роль ўйнамасин, уни ўтказиш билан боғлиқ баъзи ортиқча расм-русумлар, одат тусига кириб бораётган удумлар жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, оилаларнинг маиший барқарорлигининг таъминланишига ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда. Сабаби кўплаб анъаналар уларнинг мазмун-моҳиятига етилган ҳолатда ўтказилмай, уларнинг ортида ортиқча сарф-харажатлар ётибди.

Исрофгарчилик ўзбекларда яқинда эмас, балки анчадан бери ҳукм суриб, бугунги кунда у ўзбекларнинг менталитетини ташкил қилмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, ўзбек халқининг оила-никоҳ анъаналари, хусусан, никоҳ тўйи маросимларига амал қилиши қуйидаги омилларга боғлиқ: *менталитет, анъана, стереотип, иқтисод*.

Тантанали саналарда оммавий зиёфатлар уюштириб, халқни сийлаш, кичик йиғинлардан кўра катта йиғин ва жамоавий тадбирларни афзал кўриш, йиллар мобайнида борини йиғиб-териб элга тарқатишдан завқ-сурур туйиш, барча жабҳаларда биринчи бўлиш, ортда юрмаслик, машаққатларни енгиб ўтиш фазилатлари қадим туркий одатлардандир. Ҳар қандай Шарқ халқлари каби ўзбеклар менталитети жамоавийликка асосланади. Анъаналар эса жамоатчилик фикрининг барқарорлашган ифодасидир. Ислом динининг ушбу ҳудудга ёйилиши билан ўзбек халқи менталитетида улуғ мақсадларга сабот ва сабр орқали, катта меҳнат туфайли эришиши фазилатлари чуқур илдиз ота олди. Шундан келиб чиққан ҳолда никоҳ тўйи маросимларига ва унда шаклланган янги расм-русумларга, улардаги исрофгарчиликларга анъана, одат сифатида амал қилиб келинмоқда. Бу ердан стереотип келиб чиқади, ҳамма амал қилган одатни бажармасликнинг иложи йўқ.

Кўпчиликнинг тана-маломатига қолишдан кўрқиб ва тортиниш, жамиятнинг ҳар бир аъзосини урф-одатларга онгли ёки кўр-кўрона бўлса ҳам амал қилишга мажбур қилиб қўяди. Ўз навбатида, анъаналарнинг сақланишида иқтисодий омил ҳам аҳамиятли бўлиб, у ушбу маросимларда мавжуд

олди-бердиларга асосланади. Яъни, қизини узатганда сарф-харажат қилган ота-она, ўғлини уйлантирганда уни қайтариб олишни истайди ва аксинча.

5-жадвал

Ўзбекларнинг никоҳ тўйи маросимларига бўлган муносабати (% ҳисобида)

Сиз никоҳ тўйи билан боғлиқ бўлган қайси маросимларни ўтказиш тарафдорисиз?	Ўтказиш шарт			Фақат расмиятчилик учун			Хоҳламасдим			Умуман қаршиман		
	У	А	Э	У	А	Э	У	А	Э	У	А	Э
Совчилик маросимини	77,5	85	70	5	5	5	–	–	–	–	–	–
Учрашув одатининг барча коидаларига амал қилиш	32,5	50	15	18,3	16,7	20	5,8	6,7	5	,8	1,7	–
Қалин	43,3	46,7	40	5	5	5	8,3	6,7	10	3,3	1,7	5
Синов удумлари	7,5	5	10	8,3	6,7	10	15	15	15	9,2	13,3	5
«Ок ўрар» (оқлик бериш)	32,5	40	25	13,3	11,7	15	4,2	8,3	–	–	–	–
Фотиҳа тўйи	50	45	55	6,7	8,3	5	10	15	5	1,7	3,3	–
Мол ёяр	30,8	46,7	15	10	10	10	10	10	10	6,7	8,3	5
Маслаҳат оши	29,2	23,3	35	7,5	5	10	9,2	18,3	–	5,8	6,7	5
Уй кўрар	31,7	53,3	10	10,8	6,7	15	11,7	8,3	15	2,5	5	–
Кўрпа қавиш (пахта солар) маросимини бажариш	16,7	8,3	25	3,3	1,7	5	13,3	21,7	5	12,5	15	10
Қиз оши	11,7	8,3	15	4,2	3,3	5	17,5	25	10	11,7	18,3	5
Тўй келар	26,7	33,3	20	14,2	8,3	20	11,7	18,3	5	,8	1,7	–
Сабзи тўғрар	34,2	13,3	55	1,7	3,3	–	15	30	–	7,5	10	5
Наҳорги ош	42,5	55	30	5	5	5	9,2	13,3	5	8,3	6,7	10
Куёв навкар	49,2	53,3	45	1,7	3,3	–	6,7	8,3	5	,8	1,7	–
Никоҳ ўқитиш	78,3	81,7	75	–	–	–	–	–	–	–	–	–
Маҳр	45	50	40	3,3	6,7	–	3,3	1,7	5	–	–	–
ФХДЁга тантанали бориш	22,5	20	25	10	5	15	18,3	21,7	15	6,7	8,3	5
Никоҳ базми (катта тўй)	65	75	55	,8	1,7	–	–	–	–	–	–	–
Тўшак солди	23,3	21,7	25	11,7	8,3	15	11,7	18,3	5	4,2	3,3	5
Патнис уриш	14,2	13,3	15	4,2	8,3	–	15,8	21,7	10	8,3	6,7	10
«Мамараим уйланди» (келин-куёвни ўйнаб бериш)	5,8	6,7	5	1,7	3,3	–	21,7	23,3	20	9,2	8,3	10
Туғди-туғди (кампираларнинг тўшакда думалаш)	13,3	21,7	5	9,2	8,3	10	12,5	15	10	7,5	5	10
Ойнага боқиш	11,7	23,3	–	18,3	6,7	30	7,5	10	5	3,3	1,7	5
Келин барон (келин билан бирга келганларнинг тунаши)	7,5	10	5	8,3	6,7	10	16,7	18,3	15	13,3	16,7	10
Тўққиз-тўққиз	4,2	8,3	–	5,8	1,7	10	15	20	10	10,8	16,7	5
Келин салом	39,2	33,3	45	12,5	15	10	3,3	6,7	–	2,5	5	–
Келиннинг кўлини унга ботириш	17,5	25	10	13,3	11,7	15	7,5	10	5	3,3	1,7	5
Байт айтиш	2,5	5	–	7,5	10	5	13,3	16,7	10	13,3	11,7	15
Қовурдоқнинг олиб борилиши	10,8	21,7	–	11,7	8,3	15	15	15	15	7,5	10	5
Куёв оши	40,8	31,7	50	1,7	3,3	5	7,5	10	–	4,2	8,3	–
Биринчи якшанбада куёвни-кига йўқловнинг бориши	12,5	20	5	8,3	6,7	10	15	15	15	5,8	11,7	–
Чаллари	15,8	11,7	20	5,8	6,7	5	13,3	16,7	10	14,2	18,3	10
Қуда чақириқ	15,8	21,7	10	11,7	3,3	20	5,8	6,7	5	9,2	18,3	–

Кўпинча анъана ва урф-одатлар аксарият ўзбекларда давлат ёки алоҳида халқ билан ассоциация қилинади, қандайдир бир глобал, катта миқёсдаги, миллий ёки давлат даражасида қандайдир бир узоқда бажариладиган нарсасидек тасаввур қилинади. Бу анъаналар, айниқса, уларнинг қайта тикланиши ва миллатнинг ўзини ўзи англаш даражасини кўтариш ҳақида ОАВда кўп гапириладигани билан ҳам боғлиқ. Шу сабаб инсонлар оила-никоҳ анъаналарига индивидуал ёндашишдан маълум маънода кўрқадилар ҳам.

Оила-никоҳ билан боғлиқ маросим, урф-одат ва анъаналарга риоя қилишнинг ҳар бир оила ўзининг иқтисодий имкониятлари жиҳатдан бир-бирларидан кескин фарқ қилганини ҳисобга олиб, ҳар бир оила «иқтисодий оптималлик тамойили»га амал қилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу тақлиф этилаётган принцип тўй ўтказиладиган ота-она оиласи, унинг яқин қариндош, ёру-биродарлари ва энг муҳими ташкил этилаётган ёш оила манфаатини кўзлаб, уларни мустаҳкам ва бахтли бўлишига хизмат қилиши мумкин. У ўзининг ичига анъаналарнинг вазифалари, функциялари ва мезонларини олиб, улар диссертацияда тўлиқ кўрсатилган.

Индивидуал оила-никоҳ анъаналарини яратилганда, энг асосий нарсани унутмаслик лозим, ҳар қандай қонун-қоидалар ҳаётни мураккаблаштириганда эмас, балки уни яхшилашга хизмат қилгандагина яхшидир. Агар ҳатто кундалик ҳаётда учрайдиган, шахснинг маълум даврларида бўлиб ўтадиган никоҳ тўйи каби анъаналар жуда каттик бўлса, улар шахс психикасига салбий таъсир кўрсатиб, унга жабр қилади.

Оила-никоҳ маросимлари қуйидаги мезонларга жавоб бергандагина барҳаёт ва самаралидирлар: ўтмиш ва бугунги тажрибага суянганда; оила аъзоларининг ёш ва жинсий хусусиятлари, олий мақсадлари, дидлари, манфаатларига (миллий, маҳаллий анъаналарга) тўғри келганда; қатнашувчиларнинг расм бўлган ва манфаатларига тўғри келадиган сценарийга эга бўлганда; эркин импровизация қилиш имконияти мавжуд бўлганда ҳамда ҳеч кимнинг манфаатига зид бўлмаган ва оғирлик қилмайдиган мантикий қоидаларни ўз ичига олганда. Никоҳ тўйи маросимларига қанчалик эркин қаралса, шунчалик даражада улар ўз ҳақиқий вазифаларини тўлиқ ўтайдилар.

ХУЛОСА

Диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Тошкент шаҳрининг асли тошкентлик ўзбекларида намоён бўлган ҳам анъанавий, ҳам замонавий маданият уларнинг оила-никоҳ анъаналарида ҳам акс этади. Хусусан, бунга тўйлардаги дабдабозликларда, анъаналарга кўр-кўрона риоя қилишларида кўриш мумкин. Бошқа вилоят ўзбекларидан фарқли равишда Тошкент ва Хоразм вилоятлари ўзбекларининг этнопсихологик хусусиятларида ҳам анъанавий қараш намоён бўлди.

2. Оила ва никоҳ ўзбеклар онгида муқаддас саналиб, бахтни ташкил қилса, бахтни улар никоҳ асосида оилали бўлиш, унда севги туйғусининг мавжудлиги ва фарзандларнинг борлиги билан боғлайдилар. Ассоциатив методика бугунги тўйлардаги исрофгарчиликлар ўзбекларнинг тўйнинг «орзу-ҳавасдек», яъни бойларникидек бўлишини хошлаш билан боғлиқ эканлигини кўрсатди.

3. Мавжуд никоҳ шакллари бугунги кунда никоҳ қуришдаги шарт-шароитларни белгиламаётганлиги сабаб, никоҳ шакллари қуйидагича классификация қилинди: *анъанавий, диний, қонуний* ва *фуқаролик никоҳлари*. Кўпчилик анъанавий никоҳни маъқуллади. Бироқ анъанавий никоҳда бўлиш имконияти бўлмаганда, бошқа никоҳ шаклларида (асосан, диний) бўлишнинг маъқул кўрилиши ўзбекларда ёлғиз яшаш хуш кўрилмаслигидан далолат беради.

4. Шаҳар ўзбекларида никоҳ қуришда жинсий, ҳуқуқий, жисмоний етукликлар асосий омиллардан бири эканлиги илмий асосланди. Маънавий-ахлоқий етуклик никоҳга етукликда муҳим омил сифатида эътироф этилсада, амалда камдан-кам ҳолларда маънавий-ахлоқий ва психологик тайёрлик эътиборга олиниши маълум бўлди.

5. Тошкентда аёлларнинг бешдан бир қисми эрта ёшда никоҳдан ўтаётганлиги аниқланди. Ижтимоий-психологик мотив ўзбеклар учун турмуш қуришда энг муҳим мотив ҳисобланса, кейинги ўринларда стереотип, севги, моддий ёки манфаат юзасидан турмуш қуриш ва охирги ўринда табиий эҳтиёж орқали оила қуриш туради. Бунда эркак ва аёлларнинг мотивлари ўзаро фарқ қилади.

6. Шаҳар ўзбекларининг никоҳгача бўлган даврида ёшлар ва уларнинг ота-оналари билан бўлган муносабатларининг этнопсихологик хусусиятлари шунда намоён бўлдики, ёшларнинг фикри муҳим аҳамият касб этса ҳам, улар аксарият ҳолларда ота-оналарининг таъсирида қарор қабул қиладилар. Бунда умр йўлдошини танлашда танлов ҳуқуқи асосан эркаклар қўлида бўлади.

7. Тошкентда совчилик институти бирмунча инқирозга юз тутиб, у совчиликнинг функциялари ўзгариши ва асл мазмун-моҳияти йўқолиб боришида акс этади. Эндиликда нафақат мутлоқ тайёр бўлмаган кишилар совчи бўлмоқда, ҳатто учрашув одати совчиликдан олдин бажарилмоқда.

8. Ҳозирда гендер ва жинсий муносабатларда аёллар қарашида индивидуализм хусусиятлари кучайган бўлиб, у никоҳгача жинсий ҳаёт масаласида ҳам намоён бўлмоқда. Кўпчилик тошкентликлар ёшларнинг бугунги кунда жинсий ҳаёт ҳақида тасаввурга эга бўлишини маъқуллаган ҳолда бу масалада мутахассислар фикрини олишдан кўра ота-она ёки бошқа яқин инсонларни устун кўради. Бу ўзбекларнинг ҳали ҳам жинсий ҳаёт масаласига жиддий қарамаслигини кўрсатади.

9. Катта шаҳарда кўп бўғинли оилаларнинг камайиб, кичик ва нуклеар оилаларнинг кўпайиб бориши, оилавий қадриятларда жадал равишда қарашларнинг қайтадан кўриб чиқиляётганлиги, одамларнинг прагматик

бўлиб бориши, маросимлардаги ортиқча харажатларнинг кўплиги оила-никоҳ анъаналари кўп элементларининг трансформациялашиши ва содаллашишига, баъзиларининг эса умуман йўқ бўлиб кетишига олиб келган.

10. Маросимлар қисқариб, содаллашганига қарамай, харажатлар анча ошиб, қимматлашган. Бу кўп оилаларнинг ўзининг даромадига номувофик маросимларда дабдабозликка йўл қўйиши билан боғлиқ бўлиб, унда эркакларнинг ҳам ҳиссаси бор. Тошкентликларнинг оила-никоҳ анъаналарининг илк илдизлари, асл мазмун-моҳияти ва вазифаларини билмаслиги уларнинг расмиятчилик учун бажариладиган анъаналарга айланишига олиб келди.

11. Маҳалла фаолларининг ҳар жойда ҳар хил ишлаши, улар томонидан исрофгарчиликларнинг олди олинмаётганлиги маҳалла институтининг тошкентлик ўзбеклар онгида бирмунча қадрсизланишига олиб келди.

12. Корреляцион таҳлил оила-никоҳ анъаналарини бажаришда ўзбекларда конформлилик хусусиятлари юқори бўлишини кўрсатди. Шунинг учун ҳам халқ ҳаётига сингиб кетган қоқоқ анъаналар, дабдабали расм-русумларни маъмурий йўл билан эмас, уларни сиқиб чиқарувчи ва ўрнини босувчи янги удум ва маросимларни яратибгина, халқ ҳаётига сингдириш мумкин. Бунинг учун оила-никоҳ анъаналарига ижодий ва илмий ёндашиш керак бўлади.

13. Тўйдаги ортиқча расм-русум, удумлар жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, оилаларнинг маиший барқарорлигининг таъминланишига ортиқча сарф-харажатлар туфайли салбий таъсир ўтказаетганлиги аниқланди. Ўзбек халқининг оила-никоҳ анъаналарига амал қилиши *менталитет, анъана, стереотип, иқтисодий* омилларга боғлиқдир.

Оила-никоҳ анъаналарига салбий таъсир қилувчи омилларни бартараф этиш ва никоҳ тўйи анъаналарида мавжуд исрофгарчиликни йўқотиш учун энг аввало халқнинг тафаккури ўзгариши лозимдир. Бу борада биз қуйидаги тавсияларимизни тақдим этамиз:

– ОАВ орқали тарғибот-ташвиқотни кучайтириш, бунда оилавий тарбия жараёнида миллий кадриятлар, анъаналарнинг аҳамиятига кенг эътибор беришга қаратилган маърифий эшиттириш ва кўрсатувларни изчил уюштириш билан боғлиқ ишлар кўламини кенгайтириш;

– совчилик институтини мустаҳкамлаш учун совчи шахсига қўйиладиган талаблар, совчиларнинг функциялари, совчиликда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларнинг олдини олиш масалалари ОАВ орқали аҳолига сингдириб борилиши лозим;

– ўзбек халқининг оила-никоҳ анъаналари, урф-одатларининг илк илдизлари, асл моҳияти, шахс таълим-тарбиясига таъсири ва уларнинг тарбиявий аҳамияти ҳақидаги тасаввурлар оила, маҳалла, мактаб, АЛ, КҲК, ОТМ томонидан болаларнинг ёшига мос равишда илмий асосда шакллантирилиб, таълим, тарбия жараёнига турли тарзда сингдириб борилиши керак;

– қиз болаларни эрта турмуш қуришларига чек қўйиш, ота-оналарга эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатларини кўпроқ тушунтириш, оилаларни ҳар томонлама мустаҳкамлашга доир мажмуавий дастурларни ишлаб чиқиш ва уларнинг амалиётга жорий этилишини таъминлаш даркор;

– диний қўмита раҳбарлигида мачит домлалари тўй ва умуман ҳар қандай тадбирларни ортиқча дабдабаларсиз ўтказиш борасида аҳоли орасида тушунтириш ишларини мунтазам олиб бориши лозим.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Psi.01.07 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ**

РАСУЛОВА ЗИЁДАХОН АБДУБОРИЕВНА

**СОЦИАЛЬНАЯ И ЭТНИЧЕСКАЯ ПСИХОЛОГИЯ
СЕМЕЙНО-БРАЧНЫХ ТРАДИЦИЙ У УЗБЕКОВ**

19.00.05 – Социальная психология. Этнопсихология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА (DSc) ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ НАУК**

ТАШКЕНТ – 2018

Тема диссертации доктора (Dsc) психологических наук зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.2DSc/Psi14.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (ik.falsafa@nuu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz.).

Научный консультант: **Шоумаров Гайрат Бахромович**
доктор психологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Каримова Василя Маманосировна**
доктор психологических наук, профессор

Назаров Киёмиддин Нормирзаевич
доктор философских наук, профессор

Махмудова Муяссар Махмудовна
доктор педагогических наук, профессор

Ведущая организация: **Каршинский государственный университет (Узбекистан)**

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2018 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Psi.01.07 при Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за № ____) (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (99871) 246-52-74).

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2018 года.
(протокол рассылки № ____ от « ____ » _____ 2018 года).

Э.Г. Газиев
Заместитель председателя Научного совета по присуждению ученых степеней, д.психол.н., профессор

А.И. Расулов
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, к.психол.н., доцент

Н.С. Сафаев
Председатель Научного семинара по присуждению ученых степеней, д.психол.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Изменения в системе ценностей, этических правил и традиций, имеющих важное значение в жизни народов мира, обуславливают возрастающий интерес к проблемам семьи и брака. Это связано с их негативным влиянием на институт семьи, что, в частности, проявляется увеличением числа внебрачно рожденных детей, разводов, неполных семей в ряде развитых стран. Например, во Франции число внебрачно рожденных детей составляет 55%, разводов – 55%, неполных семей – 23%, соответственно в Великобритании – 47,3%, 46%, 28%, США – 39,8%, 46%, 27%¹. Следовательно, комплексное изучение семейно-брачных традиций, научное обоснование их до конца не исследованных социальных и этнопсихологических аспектов имеет серьезное значение.

Во всем мире разумное отношение к семейно-брачным традициям и ценностям является приоритетной задачей. В современных исследованиях, направленных на решение этой задачи, изучаются вопросы сохранения и почитания семейно-брачных традиций в сочетании с применением их в качестве фактора укрепления семьи. Несмотря на это, изучение социальных, региональных, этнопсихологических особенностей семейно-брачных традиций и разработка их психологической характеристики до сих пор остается актуальной проблемой.

В новейшей истории Республики Узбекистан «широкая пропаганда среди молодежи и населения богатой истории нашей страны, ее неповторимой культуры и национальных ценностей»² определена в качестве одной из актуальных задач. Проводимые в Узбекистане реформы, происходящие в жизни общества изменения требуют новых подходов к традициям каждого человека, родителей, махаллей. Изучение сущности, смысла и генезиса семейно-брачных традиций, исследование их психологического влияния на людей способствуют обогащению научных взглядов о глубоких основах семейно-брачных традиций, укреплению современной семьи и повышению ее роли перед обществом, а также дают возможность молодым построить здоровую семью и воспитать их в духе уважения к национальным традициям. Многие брачно-семейные традиции, теряя свой основной смысл, особенно в Ташкенте, приводят к расточительству и помпезности, что показывает актуальность изучения и поиска путей сокращения, а также устранения неоправданных избыточных затрат, влияющих на семейный бюджет.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлениях Президента Республики

¹ Divorce demography // https://en.wikipedia.org/wiki/Divorce_demography; EU countries with the highest share of births out of marriage 2009 to 2011 // <https://www.statista.com/statistics/276802/births-out-of-wedlock-in-the-eu>; Unmarried Childbearing // <https://www.cdc.gov/nchs/fastats/unmarried-childbearing.htm>; Single parents worldwide: Statistics and trends // <https://spacedoutscientist.com/2017/07/18/single-parents-worldwide-statistics-and-trends>

² Мирзиёев Ш.М. Критический анализ, жесткая дисциплина и персональная ответственность должны стать повседневной нормой в деятельности каждого руководителя // Доклад на расширенном заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2016 году и важнейшим приоритетным направлениям экономической программы на 2017 год, от 14 января 2017 года. – Ташкент: Узбекистан, 2017. – С. 47.

Узбекистан №ПП-1717 «О Государственной программе «Год семьи»» от 27 февраля 2012 года, №ПП-1920 «О Государственной программе «Год благополучия и процветания»» от 14 февраля 2013 года, в Указе Президента Ш.М.Мирзиёева №УП-5325 «О мерах по коренному совершенствованию деятельности в сфере поддержки женщин и укрепления института семьи» от 2 февраля 2018 года, а также в других нормативно-правовых документах, направленных на укрепление семейно-брачных традиций и семьи.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии в республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор иностранных научных исследований по теме диссертации³. Исследования, касающиеся семьи и брака, изучения узбекских обычаев, ведутся в ведущих научных центрах и учебных заведениях мира, в частности, в University of Illinois, University of Wyoming (США), École Pratique des Hautes Études, Institut français d'études sur l'Asie centrale (Франция), Chubu University (Япония), The Aga Khan University (Пакистан), Институте этнологии и антропологии РАН, Институте философии и права РАН (Российская Федерация).

В результате исследований узбекских традиций и их роли в обществе, проведенных в мире, подведен целый ряд итогов: научно обосновано приобретение символического значения утративших свою практическую важность обрядов и обычаев узбекских семейно-брачных традиций (École Pratique des Hautes Études, Institut français d'études sur l'Asie centrale, The Aga Khan University); доказано сохранение традиционных семейно-брачных отношений у узбеков, несмотря на проведение атеистической идеологии в эпоху Советского строя (Chubu University); определены всестороннее отрицательное влияние процесса глобализации на прочность семьи и положительная роль узбекских семейных традиций при данном процессе (University of Illinois, University of Wyoming, Институт философии и права РАН); выявлена роль традиции в жизни различных современных социумов (Институт этнологии и антропологии РАН).

Приоритетные направления проводимых в мире исследований по изучению узбекских традиций соответствуют следующим тематикам: традиции и их положительная роль в жизни современной семьи; общественные взаимоотношения в узбекских махаллях; непрерывность преданий и религиозных обрядов; проблема родственных браков; влияние миграции на семью; желания женщин Центральной Азии и реальная жизнь; психологические особенности религиозных обрядов.

Степень изученности проблемы. Изучение узбекских семейно-брачных отношений началось российскими учеными со второй половины XIX века. Из опубликованных в данный период трудов следует особо выделить

³ Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации осуществлялся на основе: <https://www.ephe.fr>; <https://ifeac.hypotheses.org>; <https://www.aku.edu>; <http://aisr.uva.nl>; <http://www.uwo.edu>; <https://cyberleninka.ru>; <http://tradition.iea.ras.ru> и других источников.

работы А.Гребенкина (1871), П.Маева (1876), А.Диваева (1885), В.Наливкина и М.Наливкиной (1886), Н.Остроумова (1895), А.Шишова (1904), Н.Корженевского (1908), М.Гаврилова (1911), Н.Лыкошина (1916). В свою очередь, такие представители джадидизма, как М.Бехбуди (1999) и А.Фитрат (2000), также придавали большое значение семейно-брачным традициям.

В работах ученых в сфере этнографии и этнологии О.Сухаревой и М.Бикжановой (1955, 1959), Н.Лобачёвой (1960, 1975, 1989, 1990, 1999), К.Шониёзова (1964, 1974), Н.Кислякова (1967, 1969), А.Моногаровой (1969), Г.Снесарева (1969), Ф.Орипова (1978, 1987), Т.Ташбаевой и М.Савурова (1989) специально стали изучаться семейно-брачные вопросы, показаны традиционные формы обрядов. Исследования таких ученых, как Х.Исмаилов (1992), И.Жаббаров (1994, 2008), О.Буриев (1995, 2012), З.Арифханова (2005, 2006), С.Соатова (1999), Г.Ташева (2002), отличаются тем, что семейно-брачные традиции оцениваются по-новому, и вместо религиозных постулатов в них высказаны объективные суждения по данному вопросу.

В работах ученых в сфере антропологии S.Panarin (1993), I.Diloram (1993), J.Anderson (1994), H.Fathi (2004), K.Kehl-Bodrogy (2006) рассмотрены вопросы ислама и исламских традиций, в трудах M.Tolmacheva (1993), D.Kandiyoti (1998, 2004), В.-М. Petric (2000), A.Ruffer (2002), J.McBrien (2006), M.Kamp (2006, 2007) изучены узбекские традиции, обычаи и обряды, семейно-бытовая жизнь.

В работах ученых-психологов А.Олисаевой (1999), И.Дворниковой (2004), Н.Лидовской (2009), С.Жолудевой (2009) показана роль обрядов в укреплении семьи, исследовано влияние традиций на семью.

Влияние традиций, ценностей и обычаев на изменение национального психического склада народа изучено в работе М.Вахидова (1968), разница между ними и их этнопсихологические особенности изложены в работах М.Маматова (1985), Э.Газиева (2013). Семейно-брачные отношения, подготовка молодежи к семейной жизни, национальные особенности узбекских семей, конфликты в них, социально-психологические причины, способствующие их возникновению, национальные ценности и традиции, родственные браки, представления разных социальных групп о гендерных различиях рассмотрены в трудах Г.Шоумарова (1994, 2009, 2016), В.Каримовой (1994, 2004, 2008, 2010), Н.Согинова (1990), Х.Каримова (1994), М.Исаковой (1999), Н.Салаевой (2002), У.Кадырова (2003), М.Умаровой (2004), О.Абдусатторовой (2007), Р.Хикматуллаевой (2009), Р.Абдуллаевой (2010), Г.Ниёзметовой (2010), И.Гафарова (2011). Этнопсихологические особенности каракалпакских, таджикских, киргизских и казахских семей изучены в работах Р.Самарова (1997), М.Утепбергенова (1999), Р.Душанова (2006) и Т.Норимбетова (2008).

Несмотря на проводимые в Узбекистане полномасштабные исследования семьи, традиционные аспекты семейно-брачных отношений и традиции как социальная и этнопсихологическая проблема отдельно не изучены.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, в которой выполнена

диссертационная работа. Исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ проектов Ташкентского государственного педагогического университета ИТД-3-030 «Особенности узбекской ментальности» (2009 – 2011 гг.), Республиканского научно-практического центра «Оила» ИТД-1 «Систематизация психологических понятий по проблемам семьи на основе требований, предъявляемых к энциклопедической литературе» (2014 – 2015 гг.).

Цель исследования: на основе изучения социальной и этнической психологии семейно-брачных традиций у узбеков повышение возможностей решения психологических задач современных узбекских семейно-брачных традиций.

Задачи исследования:

выявить у узбеков этнопсихологические особенности понятий, связанных с семейно-брачными традициями;

уточнить социально-экономические, этнопсихологические особенности форм брака;

определить этнопсихологические особенности добрачных факторов (готовность к браку, брачный возраст, мотивы брака);

провести психологический анализ этнопсихологических особенностей критериев, факторов и принципов, являющихся важными в выборе спутника жизни;

